

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 658:2.677

МУҲАММАДИЕВ КАМОЛХОН МАҲМУДХОНОВИЧ

ТЎҚУВЧИЛИК МАТОЛАРИ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА
СТАНДАРТЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ ТИЗИМИ

5A310903 «Маҳсулот сифати менежменти (тўқимачилик ва енгил саноат)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
т.ф.н., доц. Д.Г.Алиева

Мундарижа

1	Кириш	3
1-боб	Тўқувчилик матолари сифатини таъминлашда стандартлаш ва сертификатлаш тизимини назарий асослари.	
1.1	Тўқимачилик корхоналари ва уларни тузилиши.	6
1.2	Сифат менежмент тизими ва унинг назарий асослари.	12
1.3	Тўқувчилик матолари сифат кўрсаткичлари – маҳсулотларнинг хусусиятлари, миқдори, техник ва иқтисодий меъёрлари; яқка ва комплекс, интеграл ва умумлаштирилган сифат кўрсаткичлари; сифат эталонлари маҳсулотнинг сифатий даражалари;	23
	I.боб бўйича хулоса	26
2-боб	Тўқимачилик саноатида тўқувчилик матолари сифатини таъминлашда стандартлаш ва сертификатлаш тизимини асослари.	
2.1	Тўқимачилик корхоналарида сифатни таъминлаш усуллари ва унга таъсир этувчи омиллар.	29
2.2	Саноат корхоналарига сифат менежмент тизимини жорий қилиниши ва сертификатлаштириш тартиби.	35
2.3	Тўқувчилик корхоналарида маҳсулот сифатини таъминлашда стандартлаш ва сертификатлаш тизимини аҳамияти.	47
	II.боб бўйича хулоса.	56
3-боб	Тўқувчилик матолари сифатини таъминлашда стандартлаш ва сертификатлаш тизимини жорий қилиш.	
3.1	Наманган вилоятидаги тўқимачилик корхоналарини фаолияти ва уларнинг саноат иқтисодиётдаги ўрни.	58
3.2	Тўқувчилик корхоналари сертификатлаш тартибини ишлаб чиқиш.	63
3.3	Косонсой тўқимачи МЧЖда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таҳлили ва уни сертификатлаштириш	83
	III.боб бўйича хулоса.	88
4-боб	Хулоса	90
	Адабиётлар рўйхати	

КИРИШ.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин тўқимачилик ва енгил саноатни барча тармоқларида янгича иш юритиш давр талабига айланди. Мустақилликка эришганимиздан кейин дунё бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулотларга қўйилган стандартлар ва техник шартларни қайта кўриб чиқиш, тўқимачилик ва енгил саноатига метрологик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш маҳсулот сифатини бошқариш бўйича тўқимачилик корхоналаридани сифат тизимини жорий қилиш зарурати вужудга келди.

Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари олдида турган асосий вазифалар кенг ассортиментдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, маҳсулотлари сифатини яхшилаш, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бу вазифаларни руёбга чиқаришда стандартлаш ва сертификатлашнинг ўрни бекиёсдир. Фан ва техниканинг янги ютуқларига таянган ҳолда стандартлаштириш ва сертификатлашнинг илм-фан ютуқларини амалиётга тадбиқ этиш, илмий-техник тараққиётнинг тежамкор ва истиқболли йуналишларини аниқлаш имкониятини беради. Йирик корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусий секторнинг ривожланиши, бу хусусий ва жамоалар тасарруфидаги корхоналарнинг ташқи бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бўлган интилишлари метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаш тизими зиммасига бугунги кун талабидан келиб чиқиб, маъсулиятли вазифалар юклатилмоқда[1].

Метрология, стандартлаш ва сертификатлаш, ҳозирги кунда техника ва технология тараққиётида ишончлилиқни таъминлаш бўйича асосий омиллардан бири ҳисобланади. Метрология, стандартлаш ва сертификациялаш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида ишлатилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг метрология, стандартлаш ва сифатни назорат қилиш хизмати ривожланиши ва

такомиллашувига катта эътибор қаратилди. Юқорида номлари келтирилган соҳалар ўзаро яқин фаолиятда бўлиб, тадқиқот ва ишлаб чиқариш жараёнларининг жадаллашувини таъминлайди ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини оширишда, унинг давлат ва истеъмолчилар учун талаб даражасини таъминлашга имкон беради.

Илмий-техникавий истиқболлар асосида тармоқнинг ривожланиши йўлидаги муаммоларни ҳал қилиш учун метрология, стандартлаш ва сертификациянинг роли ва аҳамияти катта. Шу муносабат билан сифат тизимини илмий-назарий асосларини, услуб ва амалий ютуқларини чуқур ўрганиш жараёни тўқимачилик ва енгил саноат тармоғида инженер-техник ходимларни тайёрлашнинг ажралмас бўлаги бўлиб қолиши муқаррардир.

Диссертация ишининг асосий мақсади ва вазифалари.

Тўқимачилик маҳсулотлари - тўқувчилик матолари ишлаб чиқаришда уларни жараёнларини технологик тизимлари жуда хилма хил бўлиб, уларни тўғри танлаш, маҳсулот хоссасини сақлаш, уларни белгиланган хусусиятларини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Маҳсулотни чет элга экспорт қилишда маҳсулотга сертификат берилиши шарт. Шунинг ҳисобига ушбу диссертация ишини бажариш тўқимачилик ва енгил саноати олдида турган мураккаб вазифаларни тўғри ҳал этишда маҳсулотга тўғри баҳо бериш ва унга сертификат олишда ягона замонавий тажриба лабораторияси кўмак беради. Бу эса ўта долзарб вазифа бўлиб, тўқимачилик саноатида тўқувчилик матолари сифатини назоратини таъминлашда стандартлаш ва сертификатлаш тизими бошқариш самарадорлигини талаб даражасида бўлиш имкониятини очиқ беради.

Диссертация ишининг асосий мақсади.

Тўқимачилик корхоналарида сифат тизимини назорат қилиш ва бошқаришни жорий этишда халқаро стандартлар талабини қондирувчи сифатли маҳсулот ишлаб чиқишида, талаб даражасидаги маҳсулот сифатини сертификатлаш тизимини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш учун етарли базага эга. Бу тизимлар маҳсулот сифатини назорат қилиш ва бошқаришда уни

самарадорлигини янада оширишда қўшимча имкониятлар яратади ва рақобатбардошлигини таъминлайди.

Бу эса бир томондан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатлари жаҳон андозаларига мос бўлишини таъминласа, иккинчи тарафдан халқ фаровонлигини ўсишига олиб келади, демак, мамлакатимизнинг халқаро миқёсда мавқеини оширади. Келажакда Ўзбекистон Республикаси Буюк давлат бўлиши учун етарли даражада иқтисодий имкониятлар яратишда маҳсулот сифати, унинг ҳолисона баҳоланганлиги ва чет элда тан олиниши жуда катта аҳамият касб этади.

Диссертация ишининг асосий вазифалари:

1. Тўқимачилик саноатида тўқувчилик матолари сифатини таъминлашда стандартлаш ва сертификатлаш тизими ўрганиш :

- маҳсулотларнинг сифатини таъминлашда стандартлаш тизимини сифат кўрсаткичлари;

- маҳсулотларнинг сифатини таъминлашда сертификатлаш тизими сифат кўрсаткичлари;

- маҳсулотларнинг хусусиятлари, миқдори, техник ва иқтисодий меъёрлари;

- маҳсулотни экспорт қилишда , унга сертификат берилиши шарт бўлиб, тўқимачилик ва енгил саноатини маҳсулотга тўғри баҳо бериш ва унга сертификат олишда ягона замонавий тажриба лабораториясини ташкил қилиш;

- сифат эталонлари, маҳсулотнинг сифатлий даражалари.

2. Республикада ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари сифат кўрсаткичларини назорат қилиш ва маҳсулотга сертификат бериш тизимини такомиллаштириш.

3.Корхонада тўқилган газламани ўтимлар бўйича сифат кўрсаткичларини назорат қилиш ва маҳсулотга сертификат бериш тизимини аниқлаш.

4. Маҳсулот сифатини бошқариш тизимини тайёрлаш ва ички текширувдан ўтказиш, стандартлаштириш , сертификалаштиришни ўтказиш ва сифат тизимини маҳсулот сифатига таъсирини аниқлаш.

Диссертация ишининг объекти ва предмети.

Диссертация ишининг объекти ва предмети «Косонсой Тўқимачи» МЧЖ тўқимачилик корхоналарида тўқувчилик матолари сифатини таъминлашда стандартлаш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш.

Тадқиқот услубияти ва услублари.

Диссертация ишининг тадқиқот услубияти ва услублари стандарт талабларидан келиб чиқиб белгиланади ва амал қилинади.

Сифат назоратини амалга оширишда ўлчашнинг механик мосламалари, статик, динамик синов жихозлари, электрик усулда ишловчи автоматлаштирилган ўзиш машиналарида амалга оширилади ва субъект иштрокисиз статистик кўрсаткичлар сон, жадвал ва график кўринишида олинади.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.

- сифат ва сифат тизими бўйича умумий концепцияларни ишлаб чиқиш ва бу борада миллий ва ягона ички бозор шартларига келишиш;

- ҳар доим сифатни яхшиланиб бориш учун муҳит яратиб бериш;

- корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати билан маҳсулот сифат тизимига нисбатан бўлган талабларни ўзаро яқинлаштириш натижасида сифатни яхшилаш;

- истеъмолчиларнинг маҳсулотлар сифатини яхшиланиши борасидаги умумий масалаларни ҳал этишдаги тутган ўрнини аниқлаб бериш;

- Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга сертификат бериш тизимини тезкор ва аниқ бажариш учун замонавий лаборатория жихозлари билан таъминланиши .

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи.

Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатли ва рақоботбардошлик бўлиши учун, ишлаб чиқариш сифат тизимига эга бўлиши керак.

Маҳсулот сифат тизими янги маҳсулот учун тезда ўзгарувчан бўлиши, хоссаларини мослаштиришга эга бўлиши, ҳамма технологик жараёнлардаги маҳсулотларни тезкор назоратини бошқариш керак. Корхонада ушбу иш билан маҳсулот сифат бошқарув бўлими шуғунланади, корхонани ишлаб чиқариш жараёнини хоссасини ва спецификасини билган ҳолда ва бошқа бўлимлар билан биргаликда сифат тизимини ташкил этиш ва ҳал этилишига эга бўлиш. Бу эса ишлаб чиқариш ва сертификация турларини, шуниндек серияли маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳсулот сифатини узликсиз таъминлаш. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга тезда сертификат олиш учун УзСтандарт агентлиги замонавий лаборатория жихозларига эга бўлган сифат-сертификатлаштириш бўлимини такомиллаштириш лозим.

I.боб. Тўқувчилик матолари сифатини таъминлашда стандартлаш ва сертификатлаш тизимини назарий асослари.

1.1. Тўқимачилик корхоналари ва уларни тузилиши.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналарининг муваффақияти улардаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ишлаб чиқаришни ташкил этишининг даражаси ишлаб чиқариш жараёнининг самарали ҳолда амал қилишига йўналтирилади.

Ишлаб чиқариш жараёни - бу меҳнат буюмларини аҳоли ва иқтисодиёт эҳтиёжларини қониқтирадиган маҳсулотларга айлантириш жараёнидир. Ишлаб чиқариш жараёнига мос равишда корхоналарда ишлаб чиқариш структураси тузилади. Ишлаб чиқариш структураси - бу ишлаб чиқариш корхонасининг ички тузилишидир. Тўқимачилик корхонасининг ишлаб чиқариш структураси ишлаб чиқариш бўлим ва бўлинмалари ўртасидаги тўла меҳнат тақсимотини таъминлаши лозим. Шу билан биргаликда ишлаб чиқариш структураси ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини, алоҳида бўлимлар ихтисослашувини, меҳнат шароитини яхшилашни, ходимлар ўртасида меҳнат тақсимотини амалга оширишни таъминлаши лозим. Корхонанинг самарали иши учун унинг ишлаб чиқариш структурасини тўғри танлаш катта аҳамиятга эгадир.

Тўқимачилик корхонасининг ишлаб чиқариш структураси ишлаб чиқарилаётган газламалар ва ипларнинг мураккаблиги даражасига, маҳсулотни ишлаб чиқариш усулига, йигирув ёки тўқув тизимига, ишлаб чиқариш кўламларига, ихтисослашув даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Тўқимачилик корхонасининг ишлаб чиқариш структурасини ана шу омиллар аниқлайди. Бир тармоққа мансуб корхоналар турли структурага эга бўлиши мумкин. Ҳар бир корхонада ўзига хос структура танланади.


«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибида асосан учта тармоқ мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1.Тўқимачилик тармоғи

2.Тикув-трикотаж тармоғи.

3. ипак ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқ.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилиши 1-расмда келтирилган. Ушбу ташкилий структура Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 141-сонли ««Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори билан маъқулланган. Ушбу структурага мувофиқ тармоқда 293 та корхона мавжуд бўлиб, улардан 129 таси Тўқимачилик тармоғига мансуб корхоналардир, 128 таси тикув-трикотаж тармоғига, 36 таси ипак ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқ корхоналарига мансубдир.



1-расм. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясидаги тармоқларнинг улуши

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг тўқимачилик тармоғидаги 129 та корхонанинг 14 таси Наманган вилоятида жойлашган. Улар қаторида «Papfen» QK, «To'qimachi sanoat tekstil» MCHJ, «Namimpekstekstil» MCHJ, «NAM TEKS» MCHJ, тикув-трикотаж тармоғидаги 128 та корхонанинг 8 таси Наманган вилоятида жойлашган. Улар қаторида: «STYLE TEXTILE» MCHJ, «XAQQ-TEKS» MCHJ, «CHUST TEXTILE» MCHJ, «Dilrabo-SDA» XK, ипак ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоғидаги 36 та корхонанинг 5 таси Наманган вилоятида жойлашган. Улар қаторида «Verigrow ipagi» MCHJ QK, «DO'STLIK-A» MCHJ, «MARJONA-TOLA-FAYZ» MCHJ, «GOLDEN SILK» SHK, корхоналарини кўрсатиш мумкин. [28]

2014 йилда давлатимиз Раҳбари ва Ҳукумат томонидан енгил саноат ва тўқимачилик саноати корхоналари ривожланиши учун яратилган шароит ва кўрсатилаётган амалий ёрдамлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга ва бу орқали тайёр маҳсулотлар экспорти ҳажмини кўпайтиришга кенг имкон яратди. Хусусан:

биринчидан - ҳисобот даврида Инвестиция дастури доирасида соҳага 174,6 млн. доллар миқдорида (2013 йилга нисбатан 108,9%) инвестициялар жалб қилинди ва 180,27 млн. доллар миқдорида (116,6%) ўзлаштирилди.

33 та янги ва модернизация қилинган корхоналар ишга туширилди. Натижада, тармоқнинг ишлаб чиқариш қуввати ип калава бўйича 34,55 минг тоннага, трикотаж мато бўйича 5 минг тоннага, тикув-трикотаж буюмлари бўйича 9,58 млн. донага ошди. Ушбу корхоналар ҳисобига соҳанинг экспорт салоҳияти 116,7 млн. долларга кўпайди ва 2892 та янги иш ўринлари яратилди.

(Булар: Андижон вилоятидаги "Роял Силк"МЧЖ, Бухоро вилоятидаги "Бухоро Техно Инвест"МЧЖ, Наманган вилоятидаги "Нафис Текс Групп" МЧЖ, Самарканд вилоятида "Самарканд иплиги"МЧЖ, "Нур Сам Кур"МЧЖ, "Сам Рафоат Текстил" ва "Яшам Эркаплан", Фарғона вилоятидаги "Хамза

Экспо артТекстил" ХК ва "Индорама Коканд Текстил" 3- боскичи бўлиб, улар жахондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг замонавий технология ва ускуналари билан жихозланган).

иккинчидан - ҳисобот даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 123,0 фоизни (2852.7 млрд.сўм) ташкил этди. Пахта толасини чуқур қайта ишлаш хажмини кўпайтириш чораларини амалга ошириш натижасида тикув-трикотаж маҳсулотлари ўткан йилнинг шу даврига нисбатан 1.2 баробарга, пайпоқ маҳсулотлари эса 1.15 баробарга ортиқ ишлаб чиқарилди.55 та янги турдаги 126 модел - ассортиментда 140,7 млрд. сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди ва 861,9 млн. доллар миқдорида маҳсулотлар дунёнинг 50 тадан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинди (2013 йилга нисбатан 104.1%). Халқ истеъмоли молларининг улуши умумий товар маҳсулотларида 40 % ни ташкил этди.

учинчидан - ўтган даврда тармоқда 11313 та иш ўринлари яратилди. Жумладан инвестиция бўйича 5362 та, тармоқни ривожлантириш ҳисобига 5576 та, касаначилик асосида 350 та, локализация маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишда 25 та иш ўринлари яратилди.

тўртинчидан - компания таркибидаги кичик бизнес корхоналарининг умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 41.5 фоизни, маҳсулотлар экспортидаги улуши эса 42.3 фоизни ташкил этди.

бешинчидан - ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннарни 16,1 млрд сўмга пасайтирилгани, асосий фондларнинг 1 сўмига ишлаб чиқарилган товар маҳсулотларининг (121.8 сўм) 107.9 фоизга ошганлиги натижасида тармоқ бўйича рентабеллик даражаси 9,1 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг январ-март ойларидаги экспорт қилинган маҳсулотлар тизимида янги турдаги тўқимачилик саноати маҳсулотлари киритилди. Шунингдек, ихчамлаштирилган, меланж калава иплари, пахмок газламалар, сатин, хом газлама, пардозланмаган , "Габардин" костюмбоп газлама, эркаклар кўйлагибоп газлама, поплин, бир марталик болалар таглиги, кўрпа, ёстиқ жилдлари, ёрлиқлар. Шунингдек, тикувчилик-трикотаж буюмлари

ассортиментлари, нақшлари, моделлари ва ўзгарган янги турлари ишлаб чиқарила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг Ташқи савдо компаниялари билан биргаликда, Жаҳон истеъмол товарлари бозори эҳтиёжини инобатга олган ҳолда экспорт географиясини кенгайтириш борасида мақсадли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда 53 та йирик корхоналарнинг диллерлик тузилмалари томонидан Европа Иттифоқи, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи республикалар ва Осиё қитъасидаги 40 дан ортиқ мамлакатларга маҳсулотларни экспорт қилмоқда. Уларнинг ичида энг анъанавий бозорлар Озарбайжон, Арманистон, Россия, Украина, Беларусь, Қирғизистон, Қозокистон, Латвия, Литва, Туркия, ХХР, Жанубий Корея, Молдова, Польша, Чехия, Нидерланди, Италия, Испания, Буюк Британия, Бельгия, Болгария, Германия, Греция, Португалия, ССА, Бирлашган Араб Амирликлари, Миср, Исроил, Эрон, БАР, Вьетнам, Япония, Ҳиндистон. Шу билан бирга Компания корхоналари тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги агентлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлигининг Ташқи савдо компаниялари билан биргаликда янги ташқи бозорларни ўзлаштириш борасида мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Охирги уч йил ичида Сингапур, Бангладеш, Тайвань, Гонконг, Канада, Мексика, Марокаш, Жанубий Африка республикаси, Аргентина, Бразилия, Перу, Чили, Босния ва Герцоговина, Венесуела ҳамда Колумбия давлатлари бозорларига ҳам маҳсулот экспорт қилишга эришилди[28].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли фармойишини бажариш мақсадида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан собиқ банкрот деб топилган корхона «Косонсой Текмен» ўрнида «Косонсой Тўқимачи» масъулияти чекланган жамият ташкил этилди. Корхонада 2009 йилнинг март ойида зарурий таъмирлаш ишлари олиб борилди ва апрелдан бошлаб ишлаб чиқариш фаолиятини бошлади.

«Косонсой Тўқимачи» МЧЖда йигирув ва тўқув цехлари мавжуд бўлиб, улардаги жихозлар Польша, Германия, Франция, Италия давлатларида ишлаб чиқарилган. Ҳозирда корхонани модернизация қилиш, янги замонавий жихозларни келтириш ва янги ассортиментдаги маҳсулотларга ўтиш юзасидан ишлар режалаштирилган.

«Косонсой Тўқимачи» МЧЖда йигирув ва тўқув цехлари мавжуд бўлиб, улардаги жихозлар Польша, Германия, Франция, Италия давлатларида ишлаб чиқарилган. Ҳозирда корхонани модернизация қилиш, янги замонавий жихозларни келтириш ва янги ассортиментдаги маҳсулотларга ўтиш юзасидан ишлар режалаштирилган. («Косонсой Тўқимачи» МЧЖнинг технологик жараёнлари ва ундаги жихозларнинг техник тафсифлари иловада келтирилган).

Ушбу диссертация ишида «Косонсой Тўқимачи» МЧЖ корхонасини модернизация қилишда бош мақсад унда тўлиқ ҳажмда ип газламалар ишлаб чиқариш имкониятини ва иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш масаласи кўйилди. Маҳсулотларни замонавий техника ва технология жихозларида тайёрлаш бош вазифа қилиб белгиланган.

1.2. Сифат менежмент тизими ва унинг назарий асослари.

Миллий идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, савдода техник тўсиқларни бартараф этиш учун 1992 йилда МДХ мамлакатларининг (Болтиқ бўйи мамлакатларидаи ташқари) стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаши (ДАК) тузилди.

МДХ, мамлакатлари ҳукуматларининг бошлиқлари 13 март 1992 йилда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни олиб бориш тўғрисида битимга имзо чекди. Бу ҳамкорлик давлатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идораларнинг имкониятларини ва бойликларини бирлаштиришга, илгари тўпланган тажрибалар ва меъёрий ҳужжатлардан биргаликда фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришга, шунингдек фаолиятнинг бу соҳаларида ягона техник сиёсатни амалга оширишга имкон берди. ДАК нинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи идора сифатида ишлари МДХ да қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

- ягона меъёрий база давлатлараро стандартлар, таснифлагичлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни қўшиш ва ривожлантириш;
- ягона эталон база ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимларини шу жумладан, вақт ва частоталар, моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссаларига оид стандарт маълумотнома маълумотлари давлатлараро хизматларини шакллантириш;
- маҳсулот ва хизматларни синаш ва сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш.

ДАК нинг техник сиёсати аъзо-давлатларнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идоралари, илмий-техникавий комиссиялари (ишчи гуруҳлари) ва стандартлаштириш бўйича давлатлараро ТК томонидан шакллантирилади.

ДАК фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича илмий-техникавий комиссиялар ёки ишчи гуруҳлар, вақт ва частотанинг бир хил ўлчанишини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимни бажариш бўйича ваколатли вакилларининг кенгаши, шунингдек стандартлаштириш бўйича 230 дан ортиқ давлатлараро ТК доимий ишламоқда. Ҳозирги вақтда кенгашнинг ишчи идораси Минскда жойлашган стандартлаштириш бўйича бюродан иборат. Кенгашни ротацияасосида ДАК аъзо мамлакатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идораларининг раҳбарлари бошқаради. [7]

Кенгаш давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида катор ҳукуматлараро битимларни тайёрлади ва булар МДХ мамлакатлари ҳукумат бошлиқларининг мажлисларида қабул қилинган. Бундай битимлар жумласига қуйидагилар киради:

- Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни ўтказиш тўғрисида битим (13.06.1992. Москва);

- Вақт ва частотани ўлчаш бирлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим (09.10.1992, Бишкек);

- Қиёслаш ва метрологик аттестатлаш мақсадида чегарадан олиб ўтиладиган меъёрий ҳужжатлар, эталонлар, ўлчаш воситалари ва стандарт намуналарни олиб ўтишга божхона тўловлари, солиқлардан ва махсус рухсатномаларни беришдан озод қилиш тўғрисида битим (10.02.1995, Алмати);

- Ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотга меҳнат муҳофазаси бўйича келишилган меъёрлар ва талабларни ишлаб чиқиш ва рухсат қилиш тартиби тўғрисида битим (12.04.1996, Москва);

- Эркин савдо ҳудудида техник тўсиқлар бўйича битим (20.06.2000, Москва);

- МДХ давлатларида саёҳат соҳасида давлатлараро стандартларни ва сертификатлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича

концепция. МДХ мамлакатларида амалдаги техник қонунларни уйғунлаштириш мақсадида ДАК да модел қонунлар ишлаб чиқилган;

- "Стандартлаштириш тўғрисида" (Парламентлараро ассамблеянинг (ПАА) 10-ялпи мажлисида қабул қилинган);

- "Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тўғрисида" (МДХ ПАА нинг 11 - ялпи мажлисида қабул қилинган) ;

ДАК доирасида қуйидаги битимлар тузилган ва бажарилмоқда:

- Сертификатлаштириш бўйича ишларни ўтказиш ва ўзаро тан олиш принциплари тўғрисида (04.06.1992,Краснодар);

- Давлат синовларини тасдиқлаш, метрологик аттестатлаш, ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш натижаларини, шунингдек синовларни, ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш лабораторияларини аккредитлаш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисида (06.10.1992, Тошкент);

- Моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини яратиш ва қўлланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида (06.10.1992, Тошкент);

- Моддалар ва материалларнинг физик константалари ва хоссалари тўғрисида маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида (06.10.1992, Душанбе);

- ДАК стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар (ISO, MEK) ва европа Иттифоқи (SEN) стандартлаштириш бўйича ташкилоти, стандартлаштириш бўйича ҳудудий ташкилот томонидан тан олинган ва унга ISO ва MEK да қабул қилинган қоидаларга мувофиқ "Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича ЕвроОсиё ташкилоти (EASS) номи берилган. Юқоридаги номи келтирилган ташкилотлар билан ҳамкорлик, ахборот ва меъёрий ҳужжатлар билан алмашилиш ва ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш тўғрисида узоқ муддатли келишувлар имзоланган. [12]

EASS имзоланган келишув (битимлар)га асосан халқаро ва европа стандартларини давлатлараро стандартлар орқали, EASS нинг алоҳида аъзо

мамлакатлари эса, миллий стандартлар орқали қўлланиш ҳуқуқига эга. Бу давлатлараро ва миллий стандартларни ҳам халқаро, ҳам европа стандартлари билан юқори даражада уйғунлаштиришга ёрдам беради. Бундай ҳуқуқдан ЕАСС нинг аъзо давлатлари, бу ташкилотларда аъзолик статусидан катъий назар, фойдаланади.

Ҳозирги вақтда МДХ давлатлараро стандартларининг жамғармасида 19000 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар бор. 1992 - йилдан бошлаб 3800 дан ортиқ давлатлараро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Жамғарма ДАК нинг стандартлаштириш бўйича бюроси томонидан, ДАК аъзо давлатларнинг миллий идоралари билан ҳамкорликда олиб борилади.

Давлатлараро меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда уларнинг штаблари халқаро, ҳудудий ва илғор миллий стандартлар билан уйғунлаштирилади. Бу МДХ мамлакатларининг савдо иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган ягона меъёрий-техник таъминотни сақлаш учун шароит яратади, шунингдек ДАК аъзо-давлатларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни халқаро ва европа бозорига чиқаришга кўмаклашади.

Европа иқтисодий уюшмаси (ЕИУ) нинг стандартлаштириш соҳасидаги фаолияти ЕИУ ни ташкил этиш тўғрисида Рим шартномасининг ЕИУ аъзо-давлатлари қонун, бошқарув ва маъмурий қарорларини яқинлаштиришни буюрувчи моддасига асосланган.

"Техник уйғунлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида янгича ёндашиш тўғрисида 7 май 1985 йил қарорида" ЕИУ Кенгаши қуйидаги принципларни тасдиқлади:

- қонунларни уйғунлаштириш 100 моддага мувофиқ директивалар доирасида хавфсизлик асосий талабларини ўрнатиш билан чекланади. Бу уюшма доирасида ушбу маҳсулот учун эркин савдо шароитлари таъминланиши лозимлигини аңлатади;

- саноат буюмларини стандартлаштириш учун масъул идораларга технологиянинг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда техник

регламентларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилади. Бундай регламентларга асосан, уюшма аъзолари директиваларда ўрнатилган умумий талабларга риоя қилган ҳолда маҳсулот яратиши ва фойдаланишга қўйиши мумкин;

- бундай техник регламентлар мажбурий эмас, балки ихтиёрий қўлланиладиган стандартлар бўлиб қолади;

- айтилиши билан бир вақтда уюшма маъмуриятга уйғунлаштирилган стандартлар (ёки вақтинчалик миллий стандартлар) бўйича тайёрланган маҳсулотнинг директивада ўрнатилган "умумий талабларга" мувофиқлигини ўрнатиш вазифаси юклатилади. Бу демакки, ишлаб чиқарувчи маҳсулотни бу стандартларсиз ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлса ҳам, бу ҳолда ишлаб чиқувчига ўз маҳсулотининг директивадаги умумий талабларга мувофиқлигини исботлашига тўғри келади. [22]

Ўтиш даврида, ягона стандарт қабул қилинишига, энг яхши миллий стандартлардан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилади.

Уюшма мамлакатларининг интеграция жараёнларига талабларни қондирувчи ҳақиқий стандартларни қўлланиш кўзда тутилган, агар бундай стандартлар йўқ бўлса, европа стандартлари ишлаб чиқилади.

Бундай стандартлар келажакда халқаро стандартлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Европа стандартларига афзаллик берилади, натижада Ғарбий европада ҳудудий стандартлаштиришни мустақамлаш ва ривожлантириш мумкин бўлади.

Сифат тизими процедура ҳужжатлари. Маҳсулот сифатининг кўрсаткичи маҳсулот сифатига кирувчи битта ёки бир неча хоссасининг миқдорий таъсифи, унинг яратилиш ва ишлатилиши ёки истеъмолидаги муайян шароитларга қўлланилишини қўрилишига айтилади.

Сифат кўрсаткичлари қуйидаги асосий талабларга жавоб беришлари лозим:

- Турғунлиги;

- Режали асосда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига ёрдам бериши;

- Фан ва техника ютуқларини инобатга олиниши;

- Муайян вазифасига кўра маълум эҳтиёжларни кондиритишга лаёқатлилиги.

Вазифавий кўрсаткичлар маҳсулот хоссаларини тавсифлайди, уларни асосий вазифаларни белгилайди, маҳсулотни қўллаш соҳасини аниқлайди. Машина ва асбобсозлик, электротехника ва бошқа буюмлар учун бу кўрсаткичлар буюм тарафидан бажариладиган фойдали ишни тавсифлайди.

Турли хил конвейрлар учун вазифавий кўрсаткичлар, унумдорлик, юк узатиш масофаси ва баландлиги ўлчаш асбобларида - аниқлик кўрсаткичлари, ўлчаш чегараси ва шунга ўхшашларни ташкил этади.

Таркиб ва тузилиш кўрсаткичлари маҳсулотдаги кимёвий элементларни ёки гуруҳли тузилишлар миқдорини ифодалайди. Таркиб ва тузилиш кўрсаткичларига қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

- Пулатнинг таркибий компонентларини масса улушлари;

- Кислоталардаги турли таркибларининг концентрацияси;

- Коксдаги олтингугуртнинг, кулнинг масса улуши;

- Озиқ - овқат ва бошқа маҳсулотлардаги қанднинг, тузларнинг масса улушлари киради.

Хом-ашё, материаллар, ёқилғи ва электр қувватларини тежаб фойдаланиладиган кўрсаткичлари буюмнинг хоссаларини тавсифлайди ва унинг техникавий такомилланиш даражасини ёки улар томонидан истеъмол қилинаётган хом-ашё, материаллар, ёқилғи ва электр қувватлар меъёрини ифодалайди. Буюмларни тайёрлашда ва ишлатишда шундай кўрсаткичларга хом-ашё, материаллар, ёқилғи ва электр қувватини асосий турларининг солиштирма сарфланиши (сифат кўрсаткичининг асосий ўлчови) моддий ресурслардан фойдаланиш коэффициенти, яъни фойдали сарфланишига нисбати тушунилади, фойдали иш коэффициенти ва шунга ўхшашлар киради. Маҳсулотларнинг мураккаб хоссасини тавсифловчи, унинг эҳтиёжини, мақсадини ва топшириққа биноан берилган вазифаларни бажаришга маҳсулотнинг функционал лаёқатлилиги деб аталади.

Маҳсулотнинг бадий ифодаланишини, шаклнинг тўғрилигини, композициянинг бутунлигини тавсифловчи мураккаб хосса маҳсулотнинг эстетиклиги деб аталади.

Маҳсулотнинг хавфсизлиги - бу унинг мураккаб хоссаси бўлиб, инсон учун зарарли таъсир этиш миқдорини белгилайдиган кўрсаткичидир.

Маҳсулотнинг экологиклиги ҳам унинг мураккаб хоссаларидан бири ҳисобланиб, атроф - муҳитга зарарли таъсир этиш миқдорини белгилайди.


Тайёр маҳсулот ўзининг истеъмолдаги баҳоси ва бошқаларига ҳамда унинг истеъмол ёки ишлатилишдаги харажатларнинг йиғиндисига маҳсулотнинг истеъмол баҳоси деб аталади.

Маҳсулот, ҳам муайян эҳтиёжга мос келиш даражаси бўйича, ҳам шу эҳтиёжни қаноатлантиришдаги харажатлар бўйича рақобатланувчи маҳсулотлардан унинг ажралиб туришини ифодаловчи маҳсулотнинг тавсифи унинг рақобатбардошлиги деб аталади.

Маҳсулот бозори деганда, унинг сотилишида эҳтиёж ва таклиф орасидаги ўзаро мувофиқлаштириш шароитларидаги тизим тушунилади.

Ўзаро мувофиқлаштириш даражаси эса бозор муносабатларини бошқаришда ва турғунлигида мезон бўлиб хизмат қилади.

Маркетинг деганда, маҳсулотнинг ҳар бир ҳаётий даври босқичларида амалга ошириладиган унинг рақобатбардош қилиб яратилишини ва бозорда сотилишини таъминлайдиган фаолият тушунилади. Сифат ҳалқаси деб аталувчи тушунча маҳсулотнинг бутун ҳаётий даврини ўз ичига олувчи (тўлиқ) мужассамлашган фаолиятдир.



2- расм. Маҳсулот сифатини шакллантирувчи ва таъминловчи босқичлар ("Сифат халқаси").

Сифат халқаси эҳтиёжларни аниқлашдан тортиб, то уларни каноатлантиришнинг баҳолашгача бўлган турли босқичларда сифатга таъсир этадиган, ўзаро боғланган фаолият турларининг назарий тушунчалар моделидир.

Сифат ҳам бошқа тушунчалар сингари ўзининг тизимига эгадир. Сифат тизими деганда, ташкилий тузилиш, маъсулияти, иш тартиби, жараёнлар, ресурслар йиғиндиси бўлиб, сифатнинг умумий бошқарувининг амалга оширилиши тушунилади.

Белгиланган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларининг номенклатурасини танлаш, бу кўрсаткичларининг қийматларини аниқлаш ва уларни асос бўлувчи қийматлар билан таққослашни ўз ичига олувчи ишларнинг йиғиндиси маҳсулот сифатининг даражасини баҳолаш деб аталади.

Маҳсулот сифатининг даражасини баҳолаш учун маҳсулотлар иккита туркумга бўлинади:

1. Фойдаланишда сарфланадиган маҳсулот ;
2. Ўз ресурсини сарфлайдиган маҳсулот .

1 - туркум маҳсулотлари вазифаси бўйича фойдаланиш жараёнида сарфланади. Одатда, қайта ишлаш қайтмас жараён ҳисобланади: (хом-ашё, материаллар, яримфабрикатлар), ёқилғининг ёниши, озиқ - овқат маҳсулотларининг ўзлаштирилиши, айрим вақтда қайтарилувчи жараён ҳам бўлиши мумкин (масалан, эритувчиларни рекуперация ва регенерацияси).

Вазифаси бўйича 2 - туркум маҳсулотларидан фойдаланишда, унинг ресурси сарфланади. Бу ҳолда маҳсулот техникавий ва маънавий эскириши ҳисобига фойдаланилади.

Маҳсулотнинг кўрсатилган тавсифланишининг қўлланиши қуйидаги амалларни бажаришда бир қатор енгилликлар яратади:

- Муайян гуруҳ маҳсулотининг биргина кўрсаткичининг номларини танлашда;
- Маҳсулотдан фойдаланиш соҳасини аниқлашда;
- Бир ёки бир нечта асос бўлувчи намуналар сифатида танлаб олишда;

- Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари номларига давлат стандартларининг тизимларини яратишда.

Маҳсулот сифатини бошқариш мезонлари. Ҳар қандай бошқариш тизими унинг иши самаралилигини аниқловчи бошқариш мезонларига эгадир. Бизнинг мисолимизда маҳсулот сифати, юқорида айтилгандек, унинг вазифасига мувофиқ маълум эҳтиёжларни қондириш қобилияти билан тавсифланади. Сифатни бошқариш масаласидан келиб чиқиб, бу хусусиятларни бошқариш мезонларидек қабул қилиш мумкин. Масалан, материаллар сарфланишини камайтириш керак бўлса, мезон сифатида машинанинг массаси қабул қилинади. Ишончлиликини ошириш керак бўлса, мезон сифатида машина тўхтаб қолмаслиги ва бошқалар қабул қилинади.

Айтиб ўтилган мезонлар техникавий мезонлар сонига киради ва улардан кенг фойдаланилади. Лекин улар хусусий мезонлардир. Уларда сифатга эришиш учун сарфланадиган харажатларни баҳолаш назарда тутилмаган. Буларсиз маҳсулот сифатини бошқариш тизими иши самаралилигини баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун сифатни бошқаришда маҳсулот сифати техникавий ва иқтисодий хусусиятларини жамлайдиган мезонлардан фойдаланиш керак. Бу ҳолда маҳсулотнинг интеграл сифати тушунчаси қўлланади.

Маҳсулотнинг интеграл сифати деб маҳсулотдан фойдаланиш ёки уни истеъмол қилишининг йиғиндиси фойдали самарасининг маҳсулотни яратиш (ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш) ва фойдаланишга сарфланадиган йиғиндиси харажатларига бўлган нисбати тушунилади.

Сифатнинг интеграл кўрсаткичи фойдали хусусиятлар ўсишига ҳам, фойдали хусусиятлар ўсишига сарфланадиган харажатлар ўзгаришига ҳам сезгирлик билан жавоб беради.

Одатда сифатнинг интеграл кўрсаткичи вақт ўтиши билан катталашади, чунки хусусиятлар маҳсулотни техникавий такомиллаштириш ва замонавийлаштириш туфайли яхшиланади, харажатлар эса маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш пайтида иш унумдорлиги ўсиши

ҳисобига камаяди. Лекин амалда сифатнинг интеграл кўрсаткичи ўсиши тўхтаб қолиши ёки ундан ҳам ёмон ҳолларда пасайиб кетиши кузатилади. Бу ҳодиса қуйидаги икки ҳолда бўлади:

- фойдали хусусиятлар яхшиланишидан ҳосил бўлган самара тегишли харажатлардан камроқ ўсади;

- фойдали хусусиятлар ўзгармайди, харажатлар эса ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва маҳсулотдан фойдаланиш ёмонлашиши ҳисобига ошади.

Табиийки, сифатнинг интеграл кўрсаткичи камайишига йўл қўйиб бўлмайди. Агар шундай бўлиб қолса, ишлаб чиқариш учун меҳнат, материал ва энергияни камроқ сарфлаб истеъмолчи эҳтиёжларини тўла қондирадиган замонавийлаштирилган ёки янги маҳсулот чиқаришни таъминлайдиган юқорироқ даражага кўтариш керак. Бу ҳолда сифатнинг интеграл кўрсаткичи энг юқори бўлади.

1.3. Тўқувчилик матолари сифат кўрсаткичлари – маҳсулотларнинг хусусиятлари, миқдори, техник ва иқтисодий меъёрлари; яқка ва комплекс, интеграл ва умумлаштирилган сифат кўрсаткичлари; сифат эталонлари маҳсулотнинг сифатий даражалари;

Маҳсулот сифати деганда унинг яроқлилигини аниқлайдиган хоссалари мажмуасига айтилади. Бу таърифдан кўриниб турибдики маҳсулот сифатининг дастлабки сифати қилиб маҳсулот хусусиятлари олинади.

Маҳсулот хусусияти - бу ишлаб чиқаришда, эксплуатацияда ва истеъмолда юзага чиқадиган хислатлардир. Ҳар бир маҳсулот бир қанча хусусиятларни ўз ичига олади. Бу хусусиятлар орқали бир маҳсулотни бошқасидан фарқлаш мумкин. Енгил саноат маҳсулотлари турли хил материаллардан тайёрланади. Шунинг учун биринчи навбатда кийимлар сифати унинг қандай материалдан тайёрланганлигига боғлиқ бўлади. [9]

Ишлаб чиқариш сифатига қуйидагилар киради:

- Ҳозирги ривожланган технологияга муносиб даражада кийим-бош галантерея маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хом-ашё маълум даражада сифатли бўлиши керак;

- Технологик, яъни кийим-бош ишлаб чиқарганда камроқ материал, меҳнат, электр энергияси, вақт сарфланган ҳолда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш керак.

Истеъмол сифатига маҳсулотнинг эстетик ҳолати, қулайлиги, эксплуатацияга чидамлилиги, сақлашда ишдан чиқмаслиги каби хусусиятлар мажмуаси киради.

Маҳсулот сифати уни ишлаб чиқариш вақтида вужудга келади. Буюртмачи буюрган маҳсулотига талаблар қўйиши мумкин. Маҳсулот сифатининг оптимал критерийси деганда қуйидагиларни тушуниш керак:

- жамоатнинг фойдали иши, энергияни, маҳсулот тайёрлаш учун кетадиган вақт ва хоказолар.

Кийимлар асосан қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: эстетик, гигиеник, эксплуатацион, технологик ва иқтисодий.

Эстетик талаблар деганда кийимнинг ташқи кўриниши билан боғлиқ бўлган талаблар мажмуаси: ранги, мода йўналишига мослиги ва хоказолар тушунилади.

Гигиеник талабларга кийимнинг хаво ўтказувчанлиги, иссиққа чидамлилиги ва бошқалар киради.

Эксплуатацион талабларга кийимни кийиб юришда турли хил кимёвий тозалаш амалларига чидамлилиги тушунилади.

Технологик талаблар кийимни ишлаб чиқариш билан боғлиқ.

Иқтисодий талабларга кийимни сифатли ишлаб чиқариш билан бирга харидорнинг иқтисодий шароитларига мослиги тушунилади.

Сифат даражаси - маҳсулот сифатининг нисбий характеристикаси бўлиб, у сифат кўрсаткичлар мажмуасига ва асосий кўрсаткичларга асосланади.

Асосий кўрсаткичлар - бу маҳсулот сифатининг кўрсаткичи бўлиб, сифатга баҳо беришда дастлабки омил ҳисобланади.

Маҳсулот сифатига баҳо беришда икки гуруҳ кўрсаткичларидан фойдаланилади:

- Объектив техник кўрсаткич;
- Органолептик кўрсаткич.

Объектив техник кўрсаткич стандартлар ва техник шароитга асосланади. Органолептик кўрсаткич балли система бўйича баҳоланади.

Иқтисодиёт ва сифат. Маҳсулот сифати пастлиги мамлакат иқтисодиётини талафотларга олиб келади. Улар ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот, истеъмол доирасида талаб камлиги натижасида ҳамда фойдаланиш пайтида маҳсулот ишончилиги пастлиги туфайли пайдо бўладиган талафотлардан йиғилади.

Ишончилиги паст бўлгани учун фойдаланишдаги ҳамма машиналардан 30% гачаси бир вақтда ишга лаёқатсиз ҳолда ёки таъмирлашда бўлади. Масалан, автомобилларнинг режадан ташқари таъмирлови ташиш таннари 15-20% ниташкил қилади. Автомобил капитал таъмирлашгача йўл босишида

сарфланадиган эҳтиёт қисмлар нархи автомобил нархининг тахминан 30 фоизини ташкил қилади.

Маҳсулот сифати пастлиги факат сезиларли иқтисодий талафотларгагина эмас, балки салбий ижтимоий оқибатларга ҳам олиб келади.

Биринчидан, жамиятнинг барча аъзолари ҳам юқори сифатли маҳсулотни олаолмайди. Натижада қониқиш даражаси пасаяди. Шунинг билан бирга паст сифатли маҳсулотдан фойдаланиш бутун жамият ва унинг ҳар бир аъзоси нуқсонларни бартараф қилиш учун вақтни нораціонал сарфлаши туфайли бўш вақти камайишига олиб келади.

Иккинчидан, паст сифатли маҳсулот чиқарилганда сифатли маҳсулот чиқарилганга нисбатан истеъмол қийматининг камроқ массаси чиқарилади. Натижада бу истеъмол қиймати ҳамда фойдали самара бирлигини ишлаб чиқариш учун ижтимоий меҳнат сарфининг ошишига олиб келади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўз обрўсини юқотади. Масалан, маҳсулот сифати етарли даражада юқори бўлмагани туфайли собиқ СССРнинг саноати ривожланган давлатларга экспорти 1985 йилда 32% дан 25,6% гача тушиб кетган.

I.606 бўйича хулоса.

Маҳсулот сифати даражасини ошириш йўлларида бири унинг техникавий даражаси ва сифатини оширишдир. Маҳсулот юқори сифатининг пойдевори асосий жиҳатдан янги технологиялар, юқори самарали ва чиқиндисиз жараёнлар, янги конструкцияли материаллар ва бошқалардир. Метрологик таъминот - ўлчаш информациясини олиш ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган ташкилий-техникавий чора-тадбирлар мажмуасидир.

Маҳсулот сифати пастлиги фақат сезиларли иқтисодий талафотларгагина эмас, балки салбий ижтимоий оқибатларга ҳам олиб келади.

Маҳсулот сифатини бошқариш - маҳсулот сифати даражасини жорий қилиш, таъминлаш ва зарурий даражада ушлаб туриш мақсадида лойиҳалаш, тайёрлаш ва фойдаланиш (ёки истеъмол қилиш) пайтида амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуасидир.

Сифатнинг зарурий даражасини жорий этиш тадқиқот қилиш ва лойиҳалаш босқичида мамлакат ҳамда хориждаги энг илғор илмий-техникавий ютуқлар таҳлили асосида амалга оширилади. Мазкур босқичда сифатни бошқариш муҳим аҳамиятга эга, чунки шу ерда бўлажак маҳсулотнинг асосий техникавий-иқтисодий ва фойдаланиш кўрсаткичлари ҳисобланади ва уларга асос қўйилади. Бу кўрсаткичлар истеъмолчиларнинг замонавий талабларидан юқорироқ бўлиши керак, чунки янги маҳсулот савдо соҳасига чиққунча унинг сифат кўрсаткичлари маънавий эскириб қолиши мумкин.

Маҳсулот сифатини таъминлаш ишлаб чиқариш босқичида амалга оширилади. Бу ерда маҳсулот сифати маҳсулотни тайёрлаш меъёрий-техникавий ҳужжатлар, жиҳозлар, ускуна ва асбоблар, олинадиган хом ашё, материал ва жамловчи буюмлар сифати билан аниқланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини баҳолаш мезони сифатида амалдаги техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар лойиҳа ҳужжатларда, яъни бирламчи

босқичда кўзда тутилган мос кўрсаткичларга мувофиқлик даражаси хизмат қилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини сақлаб туриш, айланиш ва сотиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш босқичларида амалга оширилади. Маҳсулот айланиши ва сотилиши сифати сақлаш ва транспортлаш сифатларидан йиғилади.

Фойдаланишдаги маҳсулот сифатига келганда, у фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатлари, фойдаланиш ва таъмирлаш жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материаллар сифатларига ҳамда фойдаланувчи ва таъмирловчи ходимлар малакасига боғлиқ. Фойдаланишда маҳсулот сифатини баҳолаш мезони унинг кўрсаткичлари илова қилинган техникавий ҳужжатларда қайдқилинган мос кўрсаткичларга, яъни қондириши зарур бўлган амалий эҳтиёжларга мувофиқлиги даражасидир.

Айтиб ўтилган босқичлар маҳсулотнинг ҳаётий циклини ташкил қилади. Унинг фойдаланиш босқичидаги муддати ҳар бир босқичда эришилган сифат даражасига боғлиқ.

Маҳсулот сифатига илмий тадқиқотлар, конструкторлик ва технологик ишланмаларда асос солинади, фойдаланишда эса улар рўёбга чиқади.

Маҳсулот сифатини жорий қилиш, таъминлаш ва сақлаб туришнинг асосий босқичларини тавсифловчи "сифат сиртмоғи" мавжуд.

Бу босқичларга:

- маҳсулотга бўлган талаблар, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини олдиндан кўриш (маркетинг тадқиқотлари);
- илмий-техникавий тараққиёт ютуқларини ҳисобга олиб, сифат даражасини шакллантириш, меъёрий-техникавий ҳужжатларни тайёрлаш;
- ишлаб чиқарувчи корхона имкониятларини таҳлил қилиш;
- сифатли хом ашё, материал, жамловчи буюмлар билан моддий-техникавий таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш, технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, жиҳоз, ускуна ва асбоблар билан таъминлаш;

- тегишли меъёрий-техникавий ҳужжатлар ва андозаларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- техникавий назорат ва синаш, тайёрлаш сифатини баҳолаш;
- тайёр маҳсулотни сотиш, маҳсулотни сақлаш, транспортлаш ва сотиш жараёнларида унинг сифатини сақлаб қолиш;
- тайёр маҳсулотни монтаж қилиш ва ундан фойдаланиш, хизмат қилиш ва таъмирлаш сифатини таъминлаш, истеъмолчи маҳсулот сифати билан қониққанлиги даражасини баҳолаш.

Маҳсулот ҳаётий циклининг охириги босқичи уни фойдаланишга тиклаш (утилизация) ва қайта тикланган моддалардан тўлиқ фойдаланишдир.

II. боб. Тўқимачилик саноатида тўқувчилик матолари сифатини таъминлашда стандартлаш ва сертификатлаш тизимини асослари.

2.1. Тўқимачилик корхоналарида сифатни таъминлаш усуллари ва унга таъсир этувчи омиллар.

Сифат кўрсаткич — материалнинг кўрсаткичлари ва хоссалари бўлиб, сифатни баҳолашда меъёрий талабларга жавоб беради. Стандарт ва техник шартларда материал сифатини баҳолашда тузилиш кўрсаткичи, тола таркиби бўйича сифат кўрсаткичлари меъёрланади. Тузилиш кўрсаткичи ва таркиби сифат кўрсаткич даражасига таъсир этади.

Барча келтирилган кўрсаткичларни бирга қўшган ҳолда «стандарт кўрсаткичи» деб аталади.

Тўқимачилик материалларининг сифатини тўлиқ баҳолаш учун комплекс сифат кўрсаткичларини тўғри танлаш керак бўлади. Унинг учун қандайдир бир аҳамиятли кўрсаткичларни танлаб кетмаслик керак, ҳамда бир вақтнинг узида кам аҳамиятли комплексли кўрсаткичларни юклаб, кучайтирмаслик керак.

Бир қатор стандартларда сифат кўрсаткичларининг тартиби келтирилган бўлиб, турли тўқимачилик материаллари учун техникавий шартларни яратишда меъёрлашни таклиф этади.

Сифат кўрсаткичларининг номенклатураси ва синфланиши ГОСТ 22851-77 стандартида батафсил берилган бўлиб, унда маҳсулотнинг қўлланилиши, мустаҳкамлиги, чидамлилиги, ишлатилиши, сақланиши, созлашга мойиллиги, экологияга зарарсизлиги, инсон соғлиги учун хавфсиз бўлиш кераклиги келтирилган. [11]


Сифат кўрсаткичларининг номенклатураси ва синфланишида қуйидаги кўрсаткичлар келтирилади:

- барча турдаги маҳсулот учун мажбурий;
- махсулаштирилган, бир неча туркум маҳсулот учун умумий;

- махсулаштирилган лекин, айниқса маҳсулотни ишлатиш доирасида мажбурий эмас.

Стандартдаги номенклатурали жадвалида мавжудлиги ва катта гуруҳдаги маҳсулот сифатини аттестациялаш бўйича кўрсатилганида, сифат кўрсаткичи минимал миқдорини танлашни бир мунча кийинлаштиради. Шу сабабли, гуруҳлар сонини камайтириш учун сифат кўрсаткичларининг синфланиши келтирилган.

Сифат кўрсаткичлар бешта асосий гуруҳларга бўлинади.



3-расм. Сифат кўрсаткичларининг синфланиш схемаси.

1. Эътиборли кўрсаткичи. Улар тўқимачилик материалларининг эътибори ва унинг қўлланилишини тўғри ва рационал аниқлайди. Бу жуда муҳим кўрсаткичлар гуруҳи бўлиб, биринчи марта комплекс меъёрий хоссаларини танлашда айниқса ҳар томонлама таҳлил этиб беради. Эътиборли кўрсаткич ўзнавбатида тўртта гуруҳларга бўлинади:

а) эстетик кўрсаткич (расми, гули, ранг берувчанлиги, оппоқлиги, ялтироқлиги, ўрилиш шакли ва бошқалар);

б) гигиеник кўрсаткич (гигроскопиклиги, сув ўтказувчанлиги, хаво ўтказувчанлиги буғ ўтказувчанлиги иссиқликка қаршилиги, сувга чидамлиги ва бошқалар);

в) ўлчамли кўрсаткич (полотно эни, буюм чизишнинг ўлчами, қалинлиги ва бошқалар);

г) техник кўрсаткич (мустаҳкамлиги, чўзилувчанлиги, эластиклиги, товуш ютилувчанлиги, электр қаршилиги, электрланувчанлиги ва бошқалар).

2. Ишончлилик кўрсаткичи. Белгиланган ораликда материал вақт давомида ўз хоссаларини сақлаб қолиши бўлиб, уни нормал ишлатилишини таъминлайди. Бу гуруҳ кўрсаткичлари биринчи гуруҳ каби тўртта гуруҳларга бўлинади:

а) эстетик кўрсаткич (ранг ва оқликнинг чидамлиги, ғижимланмаслиги ва бошқалар);

б) гигиеник кўрсаткич (ўтказувчанлиги, иссиқлик ўтказувчанлигининг ўзгариши ва бошқалар);

в) ўлчамли кўрсаткич (шаклан чидамлиги, турли таъсирларга киришиши ва бошқалар);

г) техник кўрсаткич (нормал ишлатилиш муддати, кўпга чидамлилиги, кўп маротабалик деформациядаги чидамлилиги, емирувчи турли омилларга чидамлилиги, мустаҳкамлигининг ўзгариши, эластиклиги, чокининг мустаҳкамлиги ва бошқалар).

3. Нуқсонли кўрсаткичи. Сифатнинг негатив кўрсаткичи бўлиб, ишлатилмаган материалларда янги нуқсонларнинг ҳосил бўлишини ҳарактерлайди. Негатив сифат кўрсаткичи тўқимачилик материалларининг навини баҳолашда ишлатилиш даврида ҳосил бўладиган нуқсонлари кенг қўлланилади.

4. Технологик кўрсаткичи. Тўқимачилик материалларининг қайта ишланиши учун яроқлилигини аниқлайди. Бу полотнонинг қалинлиги, эни,

бикрлиги, бурмабоплиги, фрикцион хоссалари, чўзилувчанлиги, эластиклиги ва бошқалардир.

5. Техник-иқтисодий кўрсаткичи. Бу гуруҳдаги кўрсаткичда тўқимачилик материалларининг нархи билан белгиланади (материал сифими, полотно эни ва бошқалар).

Тўқимачилик корхоналарида сифат менежмент тизимини жорий этишнинг афзалликлари. Сўнги йилларда республикамизда ҳам халқаро стандарт талаблари асосида сифат менежмент тизимларини жорий этиб, сертификатлаштирилган корхоналарни рағбатлантириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинди. Ушбу тадбирлар сирасига сифатни бошқариш тизимларини жорий этиб, сертификатлаштиришни режалаштирган хўжалик юритувчи субъектларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларда иқтисод қилиш имконини берувчи имтиёзлар ва чегирмалар киради.

Сифат менежмент тизимини Ўзбекистон компанияларида жорий этилишининг фойдали, бир қатор омилларини санаб ўтиш мумкин:

Биринчидан, ISO 9000 сертификати ташқи бозорда ишлайдиган компанияларга зарур. Баъзи ҳолларда унинг мавжудлиги тендерда иштирок этишда муваффақият келтиради, яъни тендернинг мажбурий шартларидан бири бўлиши мумкин. У компаниянинг сифат ҳолига содиқлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, шунинг ўзи билан компания обрўси ошади. Сертификатни йўқлиги ёки экспорт маҳсулотнинг нархини кескин тушиши ёки умуман шартномадан воз кечишга олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, ISO 9000 сертификати компанияга чет эл инвесторларини жалб этади. Бу мотив компанияларни акциялаштириш, акцияларни сотиш ва қўшма корхоналарни ташкил этишда ҳам, аниқ лойиҳага маблағларни жалб қилишда ҳам қўлланиши мумкин. Сертификатнинг мавжудлиги инвестицион хатарларни камайтириш омили бўлиб ҳам хизмат қилади.

Учинчидан, СМТ нинг ISO 9000 талабларига мослигини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлиги миждозлар, таъминотчилар, рақобатчилар, давлат органлари каби ижтимоий–иқтисодий тузилмалар ўртасидаги компания

мулкини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ушбу афзалликлар билан компания ишидаги ички унумдорликни оширишга боғлиқ чора – тадбирларнинг амалга оширилиши назарда тутилади.

Вилоятдаги тўқимачилик корхоналарида халқаро стандартларга мос келадиган сифатни бошқариш тизимларини жорий этган корхоналар учун катор имтиёзлар берилмоқда. Бу биринчи галда солиқ имтиёзлар бўлиб, бунда фойда солиғи ҳисобланишида юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси миқдори сифатини бошқариш тизимларини жорий этишга йўналтирилган инвестициялар суммасига камайтирилади.

Халқаро стандартларга мос келадиган СМТни жорий этган тўқимачилик корхоналари Ўзбекистон республикаси ҳудудида маҳсулотнинг лаборатория тадқиқотлари ва тестларини ўтказишда фойдаланиладиган жиҳозлар ва уларга бутловчи маҳсулотлар ҳамда эҳтиёт қисмларини олиб киришда божхона тўловлари ва қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилади.

Кузатишларимиз натижаларидан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки ҳозирда вилоятимиздаги тўқимачилик корхоналари халқаро талабларга мувофиқ сифат менежмент тизимини жорий этиш орқали ўз мавқеини кўтармоқда, унумдорлиги ва даромадларини оширмоқда ва натижада ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги ортиб бормоқда.

Минтақадаги илғор замонавий тўқимачилик корхоналар тажрибаси кўрсатмоқдаки ISOасосида сифат менежмент тизимини жорий этиш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва бозор шароитида барқарор фаолият кўрсатишининг муҳим шарти бўлиб, корхонларга жуда кўп афзалликлар беради. Жумладан

- корхонада ишчан муҳит қарор топишини таъминлаш;
- корхонада бошқарув малакаси, ишлаб чиқариш маданияти, технологик интизомни яхшилаш;
- янги бозор имкониятларини очилиши ва амалдаги сотув бозорларини сақлаб қолиниши;

- мавжуд ва потенциал истеъмолчиларда корхона имкониятларига ишончни мустахкамлаш;
- корхоналарни самарадорлигини ошириш, ишда аниқ мувофиқлаштириш;
- корхона маҳсулоти ёки хизматлари сифатини истеъмолчилар томонидан белгиланган ёки қўтилаётган талабларга мувофиқлигига эришиш ва ушлаб туриш;
- йирикрок корхоналар билан мусобақалашиш имконияти (яъни мақбул нархлар таклиф қилиниши ёки нархларни ушлаб туриш);
- сифат бошқаруви тизимида амалга ошириладиган янги бозор механизми сифатли маҳсулот тайёрлашни таъминлаш ва ўзаро шартномаларнинг тўлиқ бажарилишида истеъмолчилар ишончини янада ошириш;
- ресурслардан унумли фойдаланишни таъминлаш, корхона фаолиятини такомиллаштириб, маҳсулот сифатининг яхшиланишига олиб келиш ва иқтисодий кўрсаткичлар кўтарилиши, соғлом иш муҳити шаклланиши ва мутахассислар яқдиллиги ва изланувчанлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқарувчи томонидан сифатли ва хавфсиз маҳсулот барқарор ишлаб чиқарилиши учун барча шарт-шароитлар таъминлаш;
- маҳсулотлардан истеъмолчилар қониқишини таъминлаш, ходимларнинг хавфсиз меҳнат шартини яратиб бериш, хавф ва зиённи минимал даражага келтириш, корхонани атроф-муҳитга бўлган таъсирини камайтириш ва доимий назорат қилиш.

2.2. Саноат корхоналарига сифат менежмент тизимини жорий қилиниши ва сертификатлаштириш тартиби.

Сифат тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш. Маҳсулот сифатини олдиндан кўриш, уни режалаштириш ва меъёрлаш. Маҳсулот техникавий даражаси ва сифатини олдиндан кўриш уларнинг истиқбол қийматларини аниқлаш билан боғлиқ. Олдиндан кўриш маҳсулот техникавий даражаси ва сифати динамикаси (ўсиши)ни тахминан белгилаш имконини беради. Бу маҳсулотнинг ички ва айниқса, ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш учун зарур. [13]

Олдиндан кўришнинг муҳим ташкилий-техникавий воситаси илгаридан андозалаштиришдир. Юқорида айтиб ўтилгандек у келаси пайтда мақбул бўлиб қоладиган эришилган даражага нисбатан юқорироқ талаблар, меъёрлар, қоидаларни жорий этишни назарда тутди.

Олдиндан кўриш натижалари энг юксак мамлакат ва жаҳон ютуқлари даражасида маҳсулот яратиш учун дастлабки асос бўлади. Маҳсулот сифатини режалаштириш берилган ёки маълум вақт орасида талаб қилинган сифат кўрсаткичларига эга маҳсулотни чиқариш бўйича асосланган топшириқларни аниқлашдан иборат. Маҳсулот сифатини ошириш ҳам режалаштирилади. У фан ва техникани ривожлантириш, андозалаштириш ва бошқалар билан боғланади. Меъёрлаш натижасида маҳсулот ва унинг таркибий қисмлари сифат кўрсаткичларига бўлган талаблар аниқланади. Маҳсулотни аттестациялаш уни давлат аттестациясига тайёрлаш ҳамда деталлар, йиғма бирликлар ва узеллар, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари завод аттестациясидан ўтишини ташкил қилишни назарда тутди. Бунда қуйидаги масалалар ҳал қилинади:

- маҳсулотнинг завод аттестациясини тайёрлаш ва ўтказиш тартибини аниқлаш;
- деталлар, йиғма бирликлар ва узеллар, тайёр маҳсулот ва технологик жараёнларни завод аттестациясидан ўтказиш;

- аттестациялаш натижаларини таҳлил қилиш ҳамда маҳсулот сифати кўрсаткичлари, яхшиланишини таъминлайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- умуман маҳсулотни давлат аттестациясига тайёрлаш.

Маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга қўйилишини ташкил қилиш конструкторлик ҳужжатлар ва маҳсулотнинг юқори техникавий даражали ва сифатли тажрибавий намунасини яратишга қаратилган. Мазкур босқичда лойиҳавий, конструкторлик ва технологик ҳужжатларнинг метрологик экспертизаси ўтказилади ҳамда маҳсулот тайёрлаш жараёнининг метрологик таъминоти амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришнинг технологик тайёргарлигини ташкил қилиш корхона берилган сифат ва техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга мос маҳсулот намуналари ёки саноат партияларини ишлаб чиқаришга тайёрлигини таъминлашдан иборат. Бу вазифани мақбул амалга ошириш учун прогрессив турли технологик жараёнлар, замонавий технологик жиҳозлар, ускуналар ва асбоблар ишлаб чиқариш жараёнларини механизмлаштириш ва автоматлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор усуллари ва бошқалар қўлланади.

Маҳсулот сифатини метрологик таъминотини ташкил қилиш маҳсулот, материаллар, хом ашё ва жамловчи буюмлар технологик жараёнлар режимлари, сифат кўрсаткичларини жиҳоз ва асбоблар тавсифларини ўз вақтида назорат қилишга қаратилган.

Бу вазифалар бўйича асосий чора-тадбирлар қуйидагилардир:

- корхонада метрологик таъминот ҳолатини таҳлил қилиш ва режалаштириш;

- ўлчанадиган параметр ва кўрсаткичлар рационал номенклатурасини жорий қилиш ҳамда ўлчашларнинг оптимал меъёрларини аниқлаш;

- ўлчашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш, аттестациялаш ва жорий қилиш, ўлчаш воситалари ва текширув аппаратураларининг рационал номенклатурасини аниқлаш;

- ўлчаш, услублар ва ўлчаш воситалари аниқлиги меъёрлари учун андозалар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

- метрологик экспертизани ўтказиш;

- ўлчаш воситаларини текшириш, сақлаш, таъмирлаш ва ҳисобга олиш;

- метрология соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- корхонанинг метрологик таъминоти устидан идоравий назорат қилиш.

Метрологик таъминот маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларини камраб олиши шарт. Маҳсулот сифатининг моддий-техникавий таъминоти корхона, цехлар, бўлинмалар, бригада ва ишчи ўринларни хом ашё, материал, жамловчи буюм, технологик жиҳоз, ускуна ва асбоб, назорат воситалари ва бошқалар билан таъминлашдан иборатдир. Бунинг устига, буларнинг ҳаммаси ўз кўрсаткичлари бўйича андозалар ва бошқа меъёрий-техникавий талабларга жавоб бериши шарт.

Маҳсулот сифатини кўтариш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш, ишлайдиган барча тоифаларини ишнинг илғор усуллари ҳамда андозалаштириш негизида сифатни бошқариш асосларига ўргатишдан иборат. Маҳсулотнинг режалаштирилган сифати барқарорлигини таъминлаш сифати энг юқори тоифали маҳсулотни чиқаришга қаратилган.

Барқарор сифатни таъминлаш учун:

- ишлаб чиқаришнинг бир маромдалигини;

- келаётган хом ашё, материал ва жамловчи буюмлар сифатини назорат қилишни;

- ишчи ҳужжатларнинг иш ўринларидаги сифатини;

- назорат ва ўлчаш воситалари аниқлигига бўлган талабларга риоя қилишни;

- технологик ускуна ва асбоблар аниқлигини сақлаб туриш;

- технологик жараёнларни бошқариш;

- технологик интизомга риоя қилиш;

- яроқсизлик, дефект, рекламациялар таҳлили ва уларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар ўтказилиши;

- меҳнат сифатини иқтисодий рағбатлантирилишини таъминлаш керак.

Маҳсулот сифатини оширишга қизиқтириш корхона ходимларини юқори сифатли маҳсулот чиқаришга моддий қизиқтиришдан иборатдир. Рағбатлантириш манбаси юқори сифатли маҳсулот чиқариш ва ундан фойдаланиш натижасида олинган иқтисодий самарадир.

Маҳсулот сифатининг ҳуқуқий таъминоти МСБМТнинг барча элементлари қонунлар талабларига тўлиқ мос ишлашидан иборат. Шу мақсадда:

- ишлаб чиқиладиган меъёрий-техникавий ҳужжатларни қонунлар талабларига мослигини текшириш;

- маҳсулотни ишлаб чиқувчилар билан сифатли хом ашё, материал, жамловчи буюмлар, жиҳоз, ускуна, асбоб ва бошқаларни, истеъмол доирасига сифатли маҳсулотни етказиб бериш бўйича буюртма ва шартномаларни расмийлаштириш қонуний тартибини жорий қилиш;

- паст сифатли, яроқсиз маҳсулотни етказиб берганлиги ёки уни чала етказиб берганлиги сабабли шикоят ва даъво қилиш учун материалларни расмийлаштириш ҳамда юридик хизматга ўтказишнинг қонуний тартибини жорий қилишни амалга ошириш керак.

МСБМТнинг ахборот таъминоти маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларидаги техникавий даражаси ва сифатини тавсифлайдиган ахборотни йиғиш, сақлаш, ишлаш ва таҳлил қилиш ҳамда бу ахборот билан манфаатдор шахсларини таъминлашга қаратилган.

Маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларидаги сифат ҳақидаги ахборот сифатни бошқариш тизимининг муҳим элементиدير. Бошқариш бутун жараёнга тегишли маълумотни олиш, идрок қилиш, ўзгартириш ва узатишдан иборат бошқарувчи ахборот бошқарувчиларга етказилади, бу улар

учун аниқ мақсадга қаратилаган ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатларга буйруқ бўлади.

Ахборот:

- сифатни таъминлаш жараёнларига тезкор таъсир қилиши учун ўз вақтида бўлиши;
- уни олиш, узатиш ва ишлаш восита ҳамда усулларининг аниқлиги билан таъминладиган ишончли бўлиши;
- бир вақтни ўзида тўлик ва қисқа бўлиши;
- бир жинсли ва таққосладиган бўлиши;
- маҳсулот сифатини аниқ баҳосини олиш учун мунтазам ва узлуксиз бўлиши керак.

МСБМТ нинг ахборот таъминоти ўз ичига:

- мамлакат андозалари ва техникавий шартлари, ISO андозалари ва бошқа халқаро андозаларда таркиб топган маҳсулот сифатига бўлган талаблар ҳақидаги маълумотларни;
- мамлакат ва хорижда чиқадиган ўхшаш маҳсулотларнинг энг яхши намуналари сифати ҳақида маълумотларни;
- маҳсулот сифатини кўтариш имконини берадиган илмий-техникавий ютуқлар ҳақида маълумотларни;
- маҳсулотнинг стенд, полигон ва бошқа завод синовлари натижаларини олади.

Сифатни яхшилашнинг техникавий-иқтисодий таҳлили корхона ва унинг бўлинмалари маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича қилган фаолиятининг охирги натижаларини аниқлаш ва бўлинмалар ишини баҳолашдан иборат.

Техникавий-иқтисодий таҳлилнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- ишлаб чиқиладиган ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини аниқлаш;
- маҳсулот сифатига таъсир этадиган омилларни аниқлаш;

- маҳсулот сифати кўрсаткичлари динамикаси (ўсиши)ни аниқлаш;
- янги маҳсулот чиқаришнинг иқтисодий самарасини аниқлаш;
- корхонага сифатсиз хом ашё, материал, жамловчи буюмлар бошқалар етказиб бериши туфайли кўрилган талафотларни аниқлаш.
- яроқсизликнинг ҳамма турлари, рекламациялар ва бошқалардан кўрилган талофатларни аниқлаш.

Сифат менежменти тизимини хужжатлаштириш. Маҳсулот деганда меҳнат фаолияти жараёнининг моддийлаштирилган натижаси тушунилиб, у фойдали хоссаларга эга бўлади, аниқ ишлаб чиқариш жараёнларида олинади ва муайян жамоа ва шахсий характерли эҳтиёжларни қаноатлаштириши учун мўлжалланади.

Маҳсулотлар тайёр ҳолда, аниқ бозорда сотилиши учун яроқли ёки тайёрлаш жараёнида, ишлашда, етиштиришда, таъмирлашда ва шунга ўхшашларда бўлиши мумкин.

Маҳсулот таърифи яна бошқа бир хужжат - халқаро стандарт ISO 8402 (1991й) да қисқа ҳолда келтирилган бўлиб, "маҳсулот - фаолият ёки жараён натижаси" деб таърифланган.

Маҳсулот моддийлаштирилган (масалан, қисмлар, қайта ишланадиган материаллар) ёки моддийлаштирилмаган (масалан, ахборот ёки тушунча) ёки уларнинг ўзаро уйғунлашган бирикмаси бўлиши мумкин. Маҳсулот ўз ичига хизматни ҳам олади.

Маҳсулотни яратилишида, сотилишида ва истеъмолида ёки ишлатилишида намоён бўладиган ҳолисона унинг хоссаси ҳисобланади.

Маҳсулот кўпгина турли хоссаларга эга бўлиб, у яратилишида, сотилишида ва истеъмолида ёки ишлатилишида намоён бўлиши мумкин. "Ишлатилиши" атамаси шундай маҳсулотга нисбатан ишлатилиши мумкинки, бунда маҳсулотдан фойдаланиш жараёнида у ўз ресурси ҳисобига сарфланади.

"Истеъмол" атамаси шундай маҳсулотга нисбатан ишлатиладики, унинг вазифасига кўра, ишлатилишида ўзи сарфланади.

Маҳсулот хоссаларини шартли равишда оддий ва мураккаб турларга бўлиш мумкин.

Маҳсулотнинг оддий хоссасига масса, сифим, тезлик ва бошқа кўрсаткичлар киради.

Маҳсулотнинг мураккаб хоссасига мисол сифатида буюм ишининг ишончилигини олишимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида бир қатор оддий хоссаларни ўз ичига олади (бузилмаслиги, чидамлилиги, таъмирланувчанлиги ва сақланувчанлиги кабилар).

Маҳсулот сифати деганда, унинг вазифасига биноан муайян эҳтиёжларни қаноатлантиришга яроқлилигини белгилайдиган хоссалар мажмуаси тушунилади.

Маҳсулот сифати, уни ташкил этувчи буюм ва материалларнинг сифатига боғлиқ. Агар маҳсулот машинасозлик буюмларидан ташкил топган бўлса, маҳсулотнинг сифатини белгиловчи, унинг айрим буюмларининг ҳамда бирхиллик, ўзаро алмашувчанлик ва бошқа шундай хоссаларининг мажмуасидан ташкил топади. Масалан, пахта териш машинасининг сифати, уни ташкил этувчи двигателнинг, шпинделларнинг, болт ва гайкаларнинг, филдирак ва ундаги резина кабиларнинг сифатига боғлиқ.

Маҳсулот белгиси деганда маҳсулотнинг ҳар қандай хоссалари ва ҳолатларининг миқдорий ва сифат тавсифлари тушунилади.

Сифат белгисига материалнинг ранги, буюмнинг шакли, деталнинг сатҳида химоя ва безак учун маълум қопламаларнинг бўлиши, прокатнинг ён томони (бурчак, тавр, швеллер ва шунга ўхшашлар), маҳсулот деталларининг бириктириш усуллари (пайвандлаш, ёпиштириш, парчинлаш ва шунга ўхшашлар), созлаш усуллари (кўлда, ярим автоматик, автоматик ва шунга ўхшашлар) киради.

Сифат белгилари орасида маҳсулот сифатини бошқаришда катта аҳамиятга эга бўлган статистик назоратда қўлланувчи муқобил белгиси бўлиб, фақатгина иккита бир - бирини инкор қилувчи имкониятлари бўлиши

мумкин. Масалан, буюмларда яроқсизликнинг борлиги ёки йўклиги, деталларда ҳимоя қатлами борлиги ёки йўклиги ва шунга ўхшашлар.

Маҳсулотнинг миқдорий белгиси унинг параметридир. Маҳсулот сифати ўзининг кўрсаткич аломати билан ифодаланади.

Саноат маҳсулотининг таснифланиши. Бозор иқтисодиёти шароитларида маҳсулот сифатини баҳолаш учун илмий - услубий таъминлаш, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи орасидаги муносабатлар мол - пул хусусиятларига деярли мос келиши лозим. Бунинг учун ушбу комплекс масалаларни ҳал қилиш лозим бўлади:

- Ҳар тарафлама маҳсулот сифатини тавсифловчи хоссаларни ва кўрсаткичларни ажратиб олиб, меъёрий ҳужжатларда маҳсулотни ва унинг сифатини баҳолаш натижасида ҳолисона ифодалаш;

- Ўзаро боғланган сифат, миқдор ва истеъмолдаги нархларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи ва истеъмолчиларнинг турли босқичларда биргаликдаги маҳсулот сифатини ҳолисона баҳолаш;

- Маҳсулот сифати ҳамда "сифат ҳалқа" сининг ҳар бир босқичидаги унинг техникавий даражаси ва рақобатбардошлиги ҳақида ҳамма зарур ҳолисона амалий маълумотларни олиш.

Маҳсулот сифатининг кўрсаткичлари номенклатурасининг танлаб олишни асослаш қуйидагиларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади:

- Маҳсулотнинг ишлатилишидаги шароитларни ва вазифасини;
- Истеъмолчилар талабларининг таҳлилини;
- Маҳсулот сифатини тавсифланувчи таркибини ва тузилишини;
- Сифат кўрсаткичларига бўлган асосий талабларни.

Маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларни тўрт тоифага бўлиш мумкин:

- | | |
|---------------|-------------|
| 1.Техникавий; | 2.Ташкилий; |
| 3.Иқтисодий; | 4.Ижтимоий. |

- Техникавий омилларга ускуналарнинг жиҳозланиш, асбобларнинг ҳамда назорат воситаларнинг, техникавий ҳужжатларнинг ҳолати; дастлабки материаллар, яримфабрикатларнинг сифати ва шунга ўхшашлар киради.

- Ташкилий омилларга режалик, бир маромда ишлаш, техникавий хизмат ва ускуналарни таъмирлаш; материаллар, комплектланувчи буюмлар, жиҳозланиши, асбобларни техникавий ҳужжатлар ва назорат воситалари билан таъминлашганлиги, ишлаб чиқариш маданияти, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш; овқатланиш, иш вақтида дам олишни ташкил этиш ва бошқалар киради.

- Иқтисодий омилларга меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, ойлик маошнинг миқдори; юқори сифатли маҳсулотни ва ишни моддий рағбатлантириш, маҳсулотнинг яроқсизлиги учун ойлик маошидан ушлаб қолиш, сифат даражаси, таннархи, маҳсулотнинг баҳоси ва шунга ўхшашлар киради.

- Ижтимоий омилларга кадрлар танлаш ва жой - жойига қўйиш, малака оширишни ташкил қилиш, илмий - техникавий ижодни, ижодкорлик ва ихтирочиликни ташкил этиш, турмуш шароитлари, ўзаро муносабатлар жамоадаги психологик иқлим ва тарбиявий ишлар киради.

Маҳсулот сифатини ташкил топиши, унинг ҳамма ҳаётий босқичларида - тадқиқот ва лойиҳалаш ишларида, ишлаб чиқаришда, муомалада, истеъмолда ёки ишлатилишида намоён бўлади.

Тадқиқот ва лойиҳалаш ишлари маҳсулотнинг сифатини оширилишида белгиловчи ўринни эгаллайди. Бу босқич сифатни ташкил топишининг бошланиши ҳисобланиб, бунга илмий - техника тараққиётининг қўлланиши натижасида ҳамда меъёрий ҳужжатларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун уни муомалада, истеъмолга ёки ишлатилишига белгиланган иқтисодий кўрсаткичларига риоя қилган ҳолда тайёрлаш натижасида эришилади.

Бу босқич қуйидаги тадбирларда амалга оширилади:

- андозалар, сифат кўрсаткичларига эга бўлган намуналарга йўналтирилган илмий - тадқиқот, тажриба конструкторлик ва бошқа ишларни бажариш;

- меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

- стандартларга риоя қилинишида ўз - ўзини назорат қилишни амалга ошириш;

- маҳсулот сифатининг даражасини истикболлаш ва меъёрлаш.

- Маҳсулот сифатини режаланган даражасига эришиш, турли усулларни тайёрлаш чораларини жорий қилиш, синаш ва назоратга йўналтирилган конструкторлик ва технологик тадбирларни ишлаб чиқиш;

- Бизда ва хорижда чиқарилаётган шу хилдаги маҳсулот сифати ҳақидаги ахборотни таҳлил қилиш;

- Маҳсулот сифатининг кўрсаткичларини ва шунингдек сифат даражасини баҳолашни таснифлаш ва аниқлаш.

Маҳсулот сифатини бошқариш тизимлари ишлаб чиқиш босқичда техникавий даражани ривожланишини доимо юқори суръатларда бўлишини таъминлайди. Мураккаб ва масъулиятли буюмлар учун ишлаб чиқишни сифатни бошқариш жараёнида махсус иш режалари тузилади.

Махсус конструкторлик илмий - тадқиқот ёки лойиҳалаш институтларида, саноат корхоналарида конструкторлик технологик бўлим (бюро) ларда янги маҳсулот намуналарни ишлаб чиқиш мумкин. Бунда асосий эътибор ушбу буюм намунаси ҳақиқатдан янги бўлишилигига ёки ишлаб чиқарилишидаги буюмларни такомиллашганлигига қаратилади. Маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш босқичида оптимал технологик жараёнларни танлаш кийин ва масъулиятли вазифа, чунки бу босқичда доимий технологиянинг қийинлашиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш зарурияти бўлади. Тайёрлаш босқичида маҳсулот сифатини ошириш корхонанинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш босқичида эса қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши мўлжалланади:

- Маҳсулотни бевосита тайёрлаш;
- Ускуналарнинг, жиҳозларнинг, назорат ўлчаш техникасининг сифатини керакли даражада бўлишини таъминлаш ва назорат қилиш;
- Маҳсулот сифатини ошириш, яроқсизликни олдини олиш, меъёрий ҳужжатларга мос келмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш сабабларини бартараф қилиш тадбирларини тайёрлаш ва амалга ошириш;
- Меъёрий ҳужжатларни жорий қилиш ва уларга қатъий риоя қилиш;
- Корхонага тушаётган хом-ашёнинг, материалларнинг, яримфабрикатларнинг ва комплектланувчи буюмларнинг киришдаги назоратини ўрнатиш;
- Чиқарилаётган маҳсулотнинг иш бажаришдаги, қабулдаги ва синашдаги назоратини ўрнатиш;
- Текширувчан назоратга, меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш;
- Ишлатиш босқичидаги маҳсулотнинг сифати ҳақидаги ахборотни йиғиш ва тўплаш, унинг яроқсизлигини, у ҳақидаги шикоятларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш;
- Хом-ашё, материаллар, яримфабрикатлар, комплектланувчи буюмларни ва тайёр маҳсулотни омборларда, корхона ичидаги транспортларда меъёрий ҳужжатларнинг талабларига биноан олиб юрилишини таъминлаш ва назорат қилиш;
- Белгиланган сифат даражасидаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда корхонанинг ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш.

Ишлаб чиқариш бирлашмаларида, корхоналарда ишлаб чиқариш босқичда белгиланган мақсадларга ва вазифаларга эришишда маҳсулот сифатини бошқариш тизимлари таъминлайди.

Муомала ва савдо - сотиқ босқичларида бошқаришнинг йўналиши маҳсулотни сақлашга, транспорт ташишга, сотишга белгиланган режали топшириқларга, стандартларга ва техникавий шартларга биноан керакли шароитларни яратишга қаратилган бўлади.

Маҳсулотни транспортларда ташишда ортиш ва тушириш коидаларига риоя этилиши кўзда тутилади.

Тайёр маҳсулотни омборларда сақланишида иссиқлик ва бошқа ноқулай таъсирларидан сақланиши зарур. Бу босқичда тайёр маҳсулотнинг сифати юқори равишда сақланиши лозим ва истеъмолчига белгиланган сифат кўрсаткичларида етказилишини сифат бошқариш тизимлари таъминлайди.

Бу мақсадларга эришиш учун корхона тайёрловчи қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

- Истеъмолчидаги буюмларнинг ишлатилишини ва сақланишини ва уни истеъмолчи эҳтиёжларини мос келиш даражаси ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- Истеъмолчиларни ишлатилишдаги ва таъмирлашдаги керакли хужжатлар билан таъминлаш;
- Буюмларни кафолатли таъмирини бажариш;
- Истеъмолчиларни эҳтиёт қисмлар, асбоблар ва ишлаб чиқарилган буюмларга тегишли нарсалар билан таъминлаш.

Сифатни ҳар тарафлама ўз ичига олувчи, унинг ҳамма томонларини таъминловчи ҳамда маҳсулотнинг барча ҳаётий босқичларини қамраб олувчи фаолият сифат тизимларини билдиради. Сифатли иш маркетинг (бозор таҳлили ва савдо - сотиқ ишлари) соҳасидан бошланиб, маҳсулотнинг ишлатилишидан ҳосил бўладиган чиқиндилардан фойдаланиш босқичи билан якунланади. Бу босқичларнинг йиғиндисини сифат халқаси (петля качества) деб аталиб, унинг таърифи эса юқорида келтирилган.

2.3. Тўқувчилик корхоналарида маҳсулот сифатини таъминлашда стандартлаш ва сертификатлаш тизимини аҳамияти.

Сифатни бошқаришни ривожлантиришнинг биринчи босқичи XIX асрга хос бўлиб, бунда бир ишчи ёки ишчилар гуруҳи барча буюмлар сифатига масъул бўлган - сифатни индивидуал текшириш қўлланилган.

XX аср бошлари учун хослик шундан иборат бўлдики, бунда умумий ишни ишчилар гуруҳи бажарадиган корхоналар пайдо бўлди, буларнинг тепасига сифатни мақсадли текширувчи цех устаси турган.

Ишлаб чиқариш мураккаблашиши билан бу ишга ишчиларнинг катта гуруҳлари қўшилади, бу эса штатли текширувчиларни жалб этишни талаб қилди. Маҳсулотни қабул қилишда сифатни текшириш усули киритилди. Бошқарувчилар томонидан бошқариладиган алоҳида йирик текшириш хизматлари пайдо бўлди. Учинчи босқич давоми 60-йилларга тўғри келади - сифатни статистик текшириш бошланиб, бунда текширувчилар статистик асбоблар: яроқлиликка чиқариш текшируви карталари ва текшириш карталари билан қуролланди. [16]

Сифатни комплекс бошқариш - бешинчи босқич сифат муаммоларини комплекс ҳал этиш талаби туфайли юзага келди. А. Фейгенбаум фикрича, сифатни комплекс бошқариш - нафақат бошқариш функцияси, балки бутун ташкилот ва корхонанинг сифат соҳасидаги ўзаро боғланган кўп вазифали фаолиятидир.

А.Фейгенбаум сифатни комплекс бошқаришнинг бутун ташкилотга таъсирига алоҳида эътибор беради. Бундай бошқарув истеъмолчининг талабларини қондиришга йўналтирилган бошқарув ва техник ишларни бажаришни талаб қилади. Бундай вазифа умумий раҳбарият, маҳсулотни харидга чиқариш тизими, лойихалаш бўлимлари, ишлаб чиқариш, фирма маъмурияти ва ходимлари, молиялаш тизими, хизмат кўрсатиш ва сифатни бошқариш функциясининг биринчи даражали мажбурияти бўлади. А. Фейгенбаум яна шундай ёзганки, корхона раҳбарияти англаб етиши керакки,

сифатни бошқаришнинг комплекс тизими сифатни ошириш ёки харажатларни камайтириш учун мўлжалланган муваққат лойиҳа эмас. Фақат сифатни ошириш ва харажатларни камайтириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммолар бартараф этилгандан кейингина сифатни бошқариш тизими корхона раҳбарияти учун маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган доимий ишлайдиган рычагга айланади". XIX аср олимлари ва мутахассисларининг фикрича, яхши ташкиллаштирилган ва самарали сифатни бошқариш тизими сўзсиз биршарт билан яратилиши мумкин - бу ишни шахсан корхона раҳбари бошқариши лозим. 60-70 - йилларда АҚШда сифатни бошқариш бўйича олимлар ва мутахассисларнинг, шу жумладан А. Фейгенбаумнинг катор ишларида шундай фикр бўлганки, сифатни бошқариш ва таъминлаш - корхоналарни бошқариш махсус хизматлари ва текшириш хизматларининг вазифасидир. Бу шундай тушунтирилганки, сифат тўғрисидаги ғамхўрлик ҳаммага тарқатилганда ҳеч кимники бўлиб қоламайди. Лекин Японияда бутунлай бошқача - сифатни таъминлаш - бутун ходимлар ишидир. Бу масалада бир томонлама фикр юритмаслик керак: бу ерда сифат муаммосини ечишда махсус хизматларнинг ёки бутун ходимларнинг иштирок этишини белгиловчи сабаблар кўп бўлиши мумкин. Муҳими АҚШ ва Японияда фирмалар эришаётган натижалар, умумий ғоя - маҳсулот сифати муҳимдир. Ўзбекистон Давлат стандарти (ЎзДСт) - стандартлаштириш давлат бошқарув идораси ёки бошқа тегишли ҳуқуққа эга бўлган республика идораси Ўзстандарт Агентлиги томонидан тасдиқланган стандарт.

Техникавий шартлар - буюртмачи билан келишилган ҳолда ишлаб чиқарувчи томонидан ёки буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи билан биргаликда ёки буюртмачи билан тасдиқланган аниқ маҳсулотга (хизматга) бўлган техникавий талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжат.

Маҳсулотга техникавий ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқиляётганда техникавий шартлар шу тўпламнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Корхона стандарти (КС) - маҳсулотга, хизматга ёки жараёнга корхонанинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва унинг томонидан

тасдиқланган стандартдир. Стандартлар мажмуи - ўзаро боғланган стандартлаштириш объектларига келишилган талабларни белгиловчи ва маълум илмий-техникавий ёки ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини меъёрий хужжатлар билан таъминлашга умумий мақсад билан бирлашган ва ўзаро боғланган стандартлар тўплами.

Халқаро стандарт - стандартлаштириш билан шуғулланадиган халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган ва истеъмолчиларнинг кенг доирасига яроқли бўлган стандарт.

Минтақавий стандарт - стандартлаштириш билан шуғулланадиган минтақавий ташкилот қабул қилган ва истеъмолчиларнинг кенг доирасига яроқли бўлган стандарт.

Миллий стандарт - стандартлаштириш билан шуғулланувчи миллий идора томонидан қабул қилинган ва истеъмолчиларнинг кенг доирасига яроқли бўлган стандарт.[10]

Халқаро, минтақавий ёки чет мамлакатнинг миллий стандарти тўғридан тўғри қўлланилиши ЎзДст 1.7-2002 стандартига биноан амалга оширилади.

Уйғунлаштирилган стандартлар - маҳсулот, жараён ва хизматларнинг ўзаро алмашинувчанлиги ва тақдим этилган ахборотни ёки синаш натижаларини ўзаро тан олишни таъминлайдиган стандартлаштириш билан шуғулланувчи турли идоралар билан биргаликда қабул қилинган ва бир хил объектларга тегишли бўлган стандартлар.

Бирхиллаштирилган стандартлар - мазмунан ўхшаш, аммо тақдим этилиш шакли жиҳатидан бошқача уйғунлашган стандартлардир. Бирхиллаштириш- муайян эҳтиёжни қондириш учун зарур бўлган энг мақбул ўлчамлар сонини ёки маҳсулот, жараён ва хизмат турларини танлаш.

Стандартлаштириш объекти- стандартлаштириладиган нарса (маҳсулот, жараён, хизмат).

Стандартлаштириш соҳаси - ўзаро боғланган стандартлаштириш объектлари мажмуидир.

Хавфсизлик - зарар етказиши мумкин бўлган ножўя хавф-хатарнинг

йўқлигидир.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш - атроф-муҳитни маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларнинг ноқулай таъсиридан ҳимоя қилиш демакдир.

Маҳсулотни ҳимоя қилиш - маҳсулотдан фойдаланиш, транспортда ташиш ва сақлаш вақтида уни иқлим ёки бошқа ноқулай шароитлар таъсир қилишидан сақлашдир.

Мослашувчанлик - маҳсулотлар, жараёнлар ёки хизматларнинг ўзаро номақбул таъсир кўрсатмайдиган тарзда биргаликда, топшириқдаги шароитларда белгиланган талабларни бажариш учун фойдаланишга яроқлилиги демакдир.

Ўзаро алмашинувчанлик - бир хил талабларни бажариш мақсадида бир хил буюм, жараён, хизматдан фойдаланиш ўрнига бошқа бир хил буюм, жараён, хизматнинг яроқлилигидир.

Бир турдаги маҳсулотлар туркуми деб, маҳсулотнинг функционал йўналтирилганлиги, қўлланиш соҳаси, конструктив-технологик ечими ва асосий сифат кўрсаткичларининг номларини билдирадиган энг катта даражадаги йиғиндисига айтилади.

Халқаро стандартлаштириш - барча мамлакатларнинг тегишли идоралари эркин ҳолда иштирок этиши мумкин бўлган стандартлаштиришдир.

Минтақавий стандартлаштириш - иштирок этиши дунёдаги фақат битта географик ёки иқтисодий регионга қарашли мамлакатнинг тегишли идоралари учунгина очик бўлган стандартлаштиришдир.

Миллий стандартлаштириш - муайян бир мамлакат доирасида ўтказиладиган стандартлаштиришдир.

Давлат назорати - корхоналар, лавозимдор шахслар ва фуқароларни стандартларнинг мажбурий талабларига ҳамда маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматлар сифатига, шунингдек, сертификатлаштирилган техникавий шартларга риоя этишни назорат қилиш ваколатига эга бўлган давлат идорасининг фаолиятидир.

Стандартлаштиришнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларнинг (кейинчалик маҳсулот) сифати ва номлари масаласига давлат ва истеъмолчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, кишилар соғлиғи ва ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш;

- фан ва техниканинг ривожлантирилиши билан аҳоли ва халқ ҳўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ равишда маҳсулот сифатини ошириш;

- маҳсулотнинг бир-бирига мослиги ва ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш;

- кишилар моддий ресурсларининг тежалишига, иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланишига кўмаклашиш;

- савдода техникавий тўсиқларнинг бартараф қилинишига, жаҳон бозорида рақобат қилиш қобилиятининг таъминланишига эришиш;

- табиий, технологик ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар рўй беришини ҳисобга олган ҳолда халқ ҳўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашдир.

Стандартлаштириш вазифалари. Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- истеъмолчи ва давлатнинг манфаати йўлида маҳсулотнинг сифати ва номларига нисбатанэнг мақбулталабларникўйиш;

- давлат, республика фуқаролари ва чет эл эҳтиёжи учун тайёрланган маҳсулотга, керакли талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжатлар тизимини ва уни ишлаб чиқиш қоидаларини яратиш, ишлаб чиқиш ва кўллаш, шунингдек, ҳужжатлардан фойдаланишни назорат қилиш;

- стандарт талабларининг саноати ривожланган чет мамлакатларнинг халқаро, минтақавий ва миллий стандартлари талаблари билан уйғунлашувини таъминлаш;

- бир-бирига мосликнинг барча (конструктив, электрик, электромагнитли, маълумот, дастур ва бошқ.) турларини, шунингдек, маҳсулотнинг ўзаро

алмашинувчанлигини таъминлаш;

- параметрик ва турлар ўлчамли қаторларини, таянч конструкцияларни, буюмларнинг конструктив жиҳатдан бир хил қилинган модуллашган блокли таркибий қисмларини аниқлаш ва қўллаш асосида бирхиллаштириш;
- маҳсулот, унинг таркибий қисмлари, буюмлари, хомашё, материаллар кўрсаткичлари ва тавсифини келишиб олиш ҳамда боғланиш;
- материал ва энергия сифимини камайтириш, кам чиқинди чиқариш технологияларини қўллаш; маҳсулотнинг эргономик хоссаларига талабларнинг белгиланиши;
- метрологик меъёр, қоида, низом ва талабларнинг белгиланиши;
- стандартлаштириш бўйича халқаро тажрибадан фойдаланишни кенг ривож олдириш, мамлакатнинг халқаро ва минтақавий стандартлаштиришда иштирок этишини кучайтириш;
- хорижий мамлакатларнинг талаблари Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондира олган ҳолларда уларнинг халқаро, минтақавий ва миллий стандартларининг мамлакат стандартлари ва техникавий шартлар тариқасида тўғридан тўғри қўллаш тажрибасини кенгайтириш;
- технологик жараёнларга талабларни белгилаш; маҳсулотни стандартлаштириш ва унинг натижаларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш юзасидан ишларни ташкил қилиш;
- техник-иқтисодий ахборотни таснифлаш, кодлаш тизимини яратиш ва жорий этиш;
- синовларни меъёрий-техник жиҳатдан таъминлаш, маҳсулот сифатини сертификатлаш, баҳолаш ваназорат қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби ЎзДст 1.1-99 билан белгиланади.

Техникавий шартлар ЎзДст 1.2-99 да белгиланади.

Корхоналар стандарти ЎзДст 1.3-99 да белгиланган тартибда ишлаб

чиқарилади, келишилади, тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади.

Газлама намунаси - бутун эни бўйича қирқилган бўлак бўлиб, лабораторияда синов ишлари учун қўлланилади. Намуна-бўлаклардан қирқилган кесимлар бўлиб, ҳар бир лаборатория тажриба усуллари учун алоҳида тайёрланади. Намуна танлаш қуйидагича амалга оширилади. Намуна танлаш вақтида газламанинг четки қисмидан намуна олинмайди. Намуналар олишда ташқи нуқсонлар бўлмаслиги, қирқиб олишда йиртилиб кетмаслиги ва ҳар бир олинган намуна номерланиши шарт. ГОСТ 3810-72 «Газламалардан намуна танлаш». Бу стандарт тўқимачилик материалларидан лаборатория машғулоти учун намуна танлашга мўлжалланган. ГОСТ 3811-72 «Газламаларнинг чизиқли ўлчамлари ва массасини аниқлаш услуби». Бу стандартда газламанинг чизиқли ўлчамлари, узунлиги, эни, чизиқлизилиги, оғирлиги, кондицион массаси, сирт зичлигини аниқлаш услублари кўрсатилган. Намуна узунлиги-танда ипининг бошланиши ва охириги қисми. Намуна эни-арқоқипининг бошланиши ва охириги қисми.

1 пог. мдаги намуна массаси-намуна массасининг узунлигига нисбати.

1 пог.м² даги намуна массаси-намуна массасининг юзасига нисбати.

1 м² даги кондицион массаси

1м² газламадаги берилган кондицион намлиги.

Газламадан намуна танлаш ишлари ГОСТ 3810-72 стандарт бўйича амалга оширилади. Газлама намунасининг чизиқли ўлчамларини аниқлашда чизғич ва стол ишлатилади. Стол узунлиги 3м-дан кам бўлмаслиги керак. Берилган участкаларнинг хатолиги ± 2 мм бўлиши шарт. Стол усти текис ва силлиқ бўлиши лозим. Синаш ишларини олиб боришдан олдин намуналар ГОСТ 10681-75 стандарт бўйича сунъий иқлим шароитида 24 соат сақланиши шарт. Газламанинг узунлиги ва энини аниқлашда намунанинг 3та жойидан, бошидан, ўртасидан ва охиридан ўлчаш ишлари олиб борилади. Газламанинг қалинлигини толшиномер асбоби ёрдамида диагональ бўйича бошидан, ўртасидан ва охиридан аниқланади. Чунки, материални қирқиш вақтида нотўғри қирқилган бўлиши мумкин. Газламанинг эни, узунлигини 0,1 см

аниқлигига аниқлаш шарт. Газламанинг массаси тарози ёрдамида 0,01 г гача аниқликда тортилади.

Зичлик-100 мм масофага тўғри келувчи танда ва арқоқ йўналишидаги иплар сони. Газламанинг зичлигини аниқлаш учун чизғич, игна, қисқич, шаблон, лупа ишлатилади. Газламанинг зичлигини аниқлашда ГОСТ 10681-75 стандарт бўйича 24 соат сунъий иқлим шароитида сақлаб туриш керак.

Газламанинг танда ва арқоқ йўналиши бўйича зичлигини аниқлашда иплар сони санаб чиқилади. ГОСТ 3813-72 "Газламанинг чўзилишдаги узилиш хусусиятларини аниқлаш услуги". Мустаҳкамлик-намунанинг чўзилишдаги узилишга қаршилик кўрсатиш кг/к ёки Н да ифодаланади.

Узилишдаги узайиш-намунанинг узилиш давридаги чўзилган газламанинг узунлиги. Газламадан намуна танлаш ва унинг мустаҳкамлиги ГОСТ 3810-72 стандарти бўйича РТ-250М-2, АГ-1 узиш машиналари ёрдамида амалга оширилади. Газламанинг мустаҳкамлиги, узилишдаги узайишини аниқлашдан олдин намуна ГОСТ 10682-75 бўйича 24 соат сунъий иқлим шароитида сақлаб турилади.

Агар келишмовчилик чиқадиган бўлса, унда қуйидагича намуналар олинади: 50х200 мм-газламалар учун, 50х100 мм-жун газламалар учун. Ҳар намунадан 3 та танда йўналиши бўйича, 4 та арқоқ йўналиши бўйича бўлакчалар қирқилади. Намунанинг мустаҳкамлиги ва узайиши РТ-250- М ускунасида аниқланади.

Тўқимачилик газламаларининг эгилишдаги бикрлиги ГОСТ 10550-75 стандарти бўйича ПТ-2 асбоби ёрдамида аниқланади. Унинг учун газлама тўдасидан намуналар олинади. Бошланғич узунлиги 160 мм, эни 30 мм бўлган намуна қирқимлари бичим ёрдамида танда ва арқоқ йўналиши бўйича тайёрланади.

ГОСТ 12088-77 "Тўқимачилик газламалари ва улардан тайёрланган буюмлар ҳавоўтказувчанлигини аниқлаш" стандарти бўйича маиший, харбий, техник, трикотаж ва нотўқима матоларнинг ҳавоўтказувчанлиги аниқланади. Синаш ишлари учун ВПТМ-2 русумли асбоб ишлатилади.

Тоза ва яримжунли палтолик ва костюмбоп газламаларни хўллашдан кейин ўлчамларининг ўзгариши ГОСТ 512-82 "Хўллашдан кейин чизиқли ўлчамларининг ўзгаришини аниқлаш услуби" стандарти бўйича аниқланади.

Синаш ишлари учун иккита намуна танланади. Хар бир намунани хўллашдан олдин танда ва арқоқ йўналиши бўйича белги қўйиб чиқилади ва намунанинг массаси ± 2 г дан кўп бўлмаган хатолик билан аниқланади. Намунанинг хўллашдан ва кейинги массасининг фарқланиши ± 2 г бўлиши керак.

Барча газламаларнинг навини аниқлаш учун тегишли давлат стандартлари мавжуд:

- ипгазмалар учун - 161-86 рақамли;
- зиғир толали газламалар учун - 357-75 рақамли;
- жун газламалар учун - 358-82 рақамли;
- ипак газламалар учун - 187-85 рақамли стандартлар.

Ушбу стандартлар бўйича газламаларнинг навини аниқлаш уларнинг толали таркибига кўра бажарилади.

II. боб бўйича хулоса.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, халқаро сифат андозаларига мувофиқ корхоналарда сифат менежмент тизимини жорий қилиш орқали тўқимачилик корхоналарининг фаолиятини янги босқичга кўтариш, экспорт салоҳиятини ошириш, уларнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда барқарор ўрин эгаллаши ҳамда рақобатбардошлилигини таъминлашга эриши мумкин.

Маҳсулот деганда меҳнат фаолияти жараёнининг моддийлаштирилган натижаси тушунилиб, у фойдали хоссаларга эга бўлади, аниқ ишлаб чиқариш жараёнларида олинади ва муайян жамоа ва шахсий характерли эҳтиёжларни қаноатлаштириши учун мўлжалланади.

Тўқимачилик материалларининг сифат кўрсаткичларини танлаш ва эксперт баҳолаш орқали маҳсулотларни сифати билишга, стандартларга солиштаришга (қиёслашга) ва уни ишбав чиқариш чароёнларни такомиллаштириш ҳамда сертификатлаштириш учун тавсия ишлаб чиқиш имконин яратади.

Тўқимачилик корхоналарида маҳсулотни сертификатлаш балан бир қаторда корхонада сифат менежмент тизимини жорий этиш ҳам мумкин ва Дассертацияни бу бобида иш Сифат менежмент тизимини жорий қилишнинг қийидагича асосий йўналиш ва вазифалари келтирилган:

- Минтақадаги илғор замонавий тўқимачилик корхоналар тажрибаси;
- ISO асосида сифат менежмент тизимини жорий этиш;
- Сифат - бошқариш объекти;
- Сифатни бошқариш тизим, муҳит, мақсад, дастур ва бошқа тушунчалари;
- Сифат тизимининг сертификати фирмага бозорда рақобат устунлигини сақлаб қолиш имкониятлари.

Сифат тизими - сифатни умумий бошқаришни амалга оширилишини таъминлайдиган ташкилий тузилмаси, тартибли ҳаракатлар (процедуралар), жараёнлар ва ресурслар мажмуасидир.

Тўқимачилин саноатда сифатли махсулот учун сифат кўрсаткичи танлаш — материалнинг кўрсаткичлари ва хоссалари бўлиб, сифатни баҳолашда меъёрий талабларга жавоб бераши, стандарт ва техник шартларда материал сифатини баҳолашда тузилиш кўрсаткичи ва тола таркиби бўйича сифат кўрсаткичлари меъёрланади ҳамда тузилиш кўрсаткичи ва таркиби сифат кўрсаткич даражасига таъсир этиши ҳисобга олинади.

Кузатишларимиз натижаларидан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки ҳозирда вилоятимиздаги тўқимачилик корхоналари халқаро талабларга мувофиқ сифат менежмент тизимини жорий этиш орқали ўз мавқеини кўтариб, унумдорлиги ва даромадларини ошириб натижада ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги ортишига эришилади.

III. боб. Тўқувчилик матолари сифатини таъминлашда стандартлаш ва сертификатлаш тизимини жорий қилиш.

3.1. Наманган вилоятидаги тўқимачилик корхоналарини фаолияти ва уларнинг саноат иқтисодиётдаги ўрни.

Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларни ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошлигини келгусида ошириш, республика экспорт салоҳиятини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамаси 2004 йил 22 июлда "Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 349-сонли қарорни қабул қилди. Мазкур қарорни ривожлантириш учун 2006 йил 29 августда республика Хукумати томонидан "Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 183-сонли қарор қабул қилинди.

Ҳозирги кунда республиканинг 200 га яқин корхоналари халқаро стандартларга мос келадиган сифатни бошқариш тизимини халқаро миллий даражада ишлаб чиқди, жорий этди ва сертификатларни муваффақиятли олишга эришдилар. Республика корхоналарида сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни келгусида кенгайтиришни таъминлаш, мамлакат ичкарасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ва кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ва халқаро стандартларга мос келадиган сифатни бошқариш тизимини республика корхоналарига жорий этиш учун 2009 йил 19 июнда "Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 173-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ 2011 йил 1 январгача республиканинг 277 корхона ва ташкилотларида халқаро стандартларга асосланган сифатни тизимини жорий этиш, яна 952 та корхона ва ташкилотларда жорий этишни имкониятларини ўрганиб чиқиш белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги 173-сонли қарорига изох) Халқаро стандартларга мос келадиган сифатни бошқариш тизимини жорий этиш консалтинг компаниялари томонидан амалга оширилмоқда. "Ўзстандарт" агентлиги реестрига турли йўналишларда фаолият юритадиган 34 та консалтинг компаниялари киритилган.

Вилоят иқтисодиёти тараққиётида давлатлар ўртасида тузилган корхоналар ва улар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда уларнинг импорт ва экспорт қилиш ҳисобига эришилган ташқи савдо айланмаси миқдори алоҳида аҳамиятга эга.

Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, вилоятда ташқи савдо 2014 йил 2013 йилга нисбатан 103,2 фоизга, шу жумладан ҳамдўстлик давлатларида 110,8 фоизга, Хорижий давлатларда 100,8 фоизга ошганлиги маълум бўлди. Бу йилларда экспорт товарлари ҳамдўстлик давлатларига етказиш 112,3 фоиз ошган бўлса, Хорижий давлатларга етказиш 106,3 фоизга ўсди. Шу даврда ҳамдўстлик давлатлардан олинган импорт товарлар 104,1 фоизга ошган бўлса, Хорижий давлатлардан олинган импорт товарлар 93% га етди. Бу кўрсаткичлардан шуни тушиниш мумкинки, кейинги пайтларда вилоятга импорт товарлари келиши 7 фоизга камайган, яъни вилоят эҳтиёжи учун бевосита ўзимизнинг корхоналарда ҳам импорт товарларга рақобатбардош даражадаги товарлар ишлаб чиқилган.

Вилоят, шаҳар ва туманлари бўйича таҳлил бажарилган экспорт-импорт маҳсулотлар ҳажмларини таҳлил қилар эканмиз савдо айланмаси 2013 йилда Наманган шаҳрида 295.4, Наманган туманида 278.6. Поп туманида 332.7, Учқўрғон туманида 295.1. Мингбулоқ туманида 164.6, Норин туманида 227.4 минг АҚШ долларини ташкил қилганлигини кўрамиз. Шу билан бир қаторда Чортоқ туманида 82.1, Чуст туманида 99.4, Тўрақўрғон туманида 72.5 минг АҚШ долларига етгани шуни кўрсатадики, ижтимоий-иқтисодий томондан ривожланган туманлар ҳамда Наманган шаҳрида импорт-экспорт кўрсаткичлари юқорилиги, нисбатан паст даражадаги туманларда импорт-экспорт миқдори анча паст даражадалигини кўриш мумкин.

Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотилиши кўп жиҳатдан вилоят иқтисодига тасир қилмай қўймайди. Тўқимачилик саноати корхоналарида ишловчи хизматчи ва ишчилар малакавий етук ва мутухассис бўлиши талаб этилади.



4-расм. Наманган вилоятидаги шаҳар ва туманлар бўйича таҳлил этилган экспорт-импорт маҳсулотлар ҳажмлари графиги

2014 йил давомида 4335,3 минг АҚШ доллари миқдорида ЭКСПОРТ амалиётлари бажарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,8 фоиз ўсди. Шундан узоқ хориж давлатлари билан 3192,5 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амалиётлари бажарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 фоизга ортди.

Яқин хориж давлатларига маҳсулотларни экспорт қилиш 1142,8 минг АҚШ долларини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 12.3 фоизга кўпайди.

Узоқ хорижий давлатларнинг импорт ҳажми 1949,3 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, ўтган даврга нисбатан 7,0 фоизга камайди.

Яқин хорижий давлатларнинг импорт ҳажми эса 606,9 минг АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоизга камайди.

Жисмоний шахслар томонидан 2014 йил давомида 274,4 минг АҚШ доллари миқдорида импорт амаллари бажарилди. 2014 йилнинг ҳисобот даврида экспортёр корхоналар томонидан 50 ортиқ турдаги маҳсулотлар четта чиқарилди. Ялпи экспорт ҳажмининг 64,6 фоизини пахта ва пахта толаси, 7,7 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари, 0,3 фоизини машина ва асбоб-ускуналар, 0,2 фоизини нефт маҳсулотлари, 0,1 фоизини кимёвий маҳсулотлар, 0,1 фоизини хизматлар ва 27,0 фоизини бошқа турдаги маҳсулотлар ташкил этди.

Жами импорт ҳажмининг 39,3 фоизини машина ва асбоб-ускуналар, 30,2 фоизини кимёвий маҳсулотлар, 8,5 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари, 2,8 фоизини қора ва рангли металллар, 2,4 фоизини хизматлар, 0,8 фоизини нефт маҳсулотлари ва 16,0 фоизини бошқа турдаги маҳсулотлар ташкил этди.


Вилоятимизда 2014 йил ҳолатига 200 дан ортиқ тўқмачилик корхона мавжуд бўлиб, шундан 44 таси йирик, 26 таси ўрта, 67 таси кичик ва қолганлари микрокорхоналардир.

2014 йилнинг январ-октябр ойлари давомида вилоятдаги йирик ва ўрта тўқмачилик саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 31014.6 млн сўмни ёки ўтган йилга нисбатан 145.2 фоизни ташкил этди. Бу вилоятдаги жами саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 33.1 фоизини ташкил этди. Тўқмачилик саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий қисми Наманган шаҳри (50.1 фоиз) , Поп (20.0 фоиз) ва Янгиқўрғон (15,5 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Вилоятдаги йирик ва ўрта тўқимачилик саноати корхоналари томонидан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Наманган вилояти тўқимачилик саноати корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил этар эканмиз, вилоят бўйича жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 50,1 фоизини фақат Наманган шаҳридаги тўқимачилик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилганлигини кўрамиз, қолган қисмларини Косонсой - 13%, Наманган тумани - 11. %, Норин- 8 %, Поп - 20.0%, Тўрақўрғон- 7%, Чортоқ - 3%. Янгиқўрғон - 15 5%. ларини ишлаб чиқарилган.

Бу кўрсаткичлардан шуни кўриш мумкинки, ривожланган вилоят шаҳарларида тўқимачилик корхоналари учун етарли даражада шаклланиш муҳити яратилган бўлиб, натижада Наманган шаҳрида «Namimpeks-tekstil», Поп шаҳрида «Par-fen», Косонсойда “ Косонсой-тўқимачи” ва бошқа корхоналар шаклланишига имкон бўлди.



5-расм.2014 йилнинг январ-октябр ойлари давомида вилоятдаги йирик ва ўрта тўқимачилик саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми (% ҳисобида)

3.2. Тўқувчилик корхоналари сертификатлаш тартибини ишлаб чиқиш.

Ҳозирги кунда республикамизда халқаро стандартлар асосида ISO 9001 мувофиқлик сертификатини қўлга киритган корхоналар сони 800 тадан ошган бўлса, Наманган вилоятида ушбу кўрсаткич 74 та корхона ташкил этади. Корхоналарга сифат тизимларини жорий этиш давлат ва консалтинг компаниялар томонидан амалга оширилади.

Бугунги кунда вилоятимизда фаолият кўрсатиб келаётган кўплаб корхоналарида сифат менежмент тизимлари жорий этилган бўлиб, сифат менежмент тизими корхоналарига нафақат сифат муаммоларини, балки умумий бошқарув тизими, ходимларни бошқариш, фақат юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, сотиш, таъминот ва бошқа кўпгина масалаларни бошқаришга тизимли ёндошиш муаммоларини ҳал этиб келмоқда ва экспорт салоҳиятини кескин ортишига хизмат қилмоқда.

Қолаверса, бу тизимга ўтиш истагида бўлган корхоналар молиявий барқарор ишлаётган бўлиши ҳам лозим. Шу боисдан ҳозирда вилоятимиздаги 30 дан ортиқ корхоналарда баҳолаш аудитлари ўтказилди. Ўрганишлар натижаси эса корхоналарга тақдим этилди. Бир сўз билан айтганда халқаро стандартларга жавоб бера оладиган корхоналарга имкон қадар амалий ёрдам бериш, ISO 9001 халқаро стандартлари билан бир қаторда ISO 22000 ва ISO 14001 стандартларини корхоналарга кенг жорий этиш йўлида изланишлар олиб борилмоқда. Агар бу соҳадаги ишларимиз ривожланиб, вилоятдаги қолган корхоналарида ҳам бу ишларни босқичма-босқич амалга ошириб борсак вилоятимиз иқтисодий ахволи бундан-да яхшиланиб, корхоналарга энг сўнги русумдаги техника ва технология кириб келади, модернизациялаш жараёни тезлашади. Демакки, аҳоли турмуш фаровонлиги ошиб, ишчи ўринлари кўпаяди. [14]

Корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифат менежмент тизимини жорий этиш ишлари 4 босқичда амалга оширилади.

1-босқич “СМТни жорий қилиш учун тайёргарлик ишлари” деб номланади ва ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1) Корхонадаги мавжуд сифат тизими халқаро стандарт талабларига мувофиқлигини баҳолаш;

2) Сифат бўйича раҳбарият вакили ва СМТ жорий қилиш бўйича жавобгар шахсларни тайинлаш;

3) Ходимларга халқаро стандарт талабларини ўрганиш бўйича ўқитиш ўтказиш.

2-босқич “СМТ ҳужжатларини ишлаб чиқиш” деб номланади ва ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1) СМТ ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича режа-жадвал тузиш;

2) Сифат соҳасида сиёсат ва мақсадлар ишлаб чиқиш;

3) СМТнинг процедура ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

4) СМТ жараёнлари ҳужжатларини ва сифат бўйича қўлланмани ишлаб чиқиш;

5) Ишлаб чиқилган ҳужжатларни тасдиқлаш;

3-босқич “СМТни жорий қилиш” деб номланади ва ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1) СМТ ҳужжатларини корхона бўлимларига тарқатиш ва жорий қилиш;

2) «Ички аудит» курси бўйича ўқиш ўтказиш ва Ички аудит ўтказиш;

3) Ички аудит натижасида топилган номувофиқларни бартараф этиш ва СМТнинг натижавийлигини таҳлил этиш.

Сифат менежмент тизимини жорий этишнинг **4-босқичи** “СМТни сертификатлаштириш” деб номланади ва қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1) Сертификатлаштириш идорасини танлаш;

2) Сертификатлаштириш аудитини ўтказиш;

3) Сертификат тақдироти.

Корхоналарга сифат тизимларини жорий этиш учун авваламбор сифат тизимларини жорий этиш учун сифат тизимларини жорий этиш давлат ва консалтинг компаниялар билан шартнома имзоланади, тизимни жорий этиш

қиймати корхонадаги тизимнинг мураккаблиги ва ишчилар сонига боғлиқ бўлади. Наманган СНМ ДК да сифат тизимларини жорий этиш бўлимида корхоналарга сифат тизимларини жорий этиш “ Расценка отдела ВСМК ГП Наманганский ЦИС “ бўйича олиб борилади. Сифат тизимлари жорий этилгандан сўнг “Ўзстандарт” агентлигида аккредитациядан ўтган сертификатлаштириш идоралари билан шартнома тузилади(сертификатлаштириш намунаси илова-4 да келтирилган).

Тизимни сертификатлаштириш қиймати ҳам корхонадаги тизимнинг мураккаблиги ва ишчилар сонига боғлиқ бўлади.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш идоралари. Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишади:

- сифат тизимларини дастлабки баҳолашни ўтказди ва сертификатлаштиришни ўтказиш учун контрактлар тузадилар;
- ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш усулиятларини ва сифат тизимларини текшириш дастурларини ишлаб чиқадилар;
- сифат тизими ёки ишлаб чиқаришнинг аудитини ўтказди;
- сифат тизими ёки ишлаб чиқариш сертификатларини расмийлаштиради, сертификатни беради ва тан олади;
- сертификатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар устидан инспекцион назоратни амалга оширадилар;
- сертификатлаштириш натижалари ҳақида маълумот берадилар.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича идоралар сифатида «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий идоралари, СМСИТИ, бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралар ва бошқа ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга тобе бўлмаган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган бошқа ташкилотлар аккредитланиши мумкин.

Ҳар қандай бошқариш тизимида объект ва бошқариш дастури ҳамда бошқарувчи таъсирлар мавжуд. Объект сифатини бошқариш тизимида унинг сифати билан боғлиқ, бўлган ҳаётий цикли ҳар бир босқичнинг жараёнлари киради.

Бошқарувчи таъсирлар бошқарилаётган жараённинг ҳақиқий ҳолати бошқариш дастури жорий қилган ҳолат билан қиёслаш асосида ишлаб чиқилади. Бошқариш дастури сифатида маҳсулот сифати кўрсаткичлари қийматларини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар ва маҳсулотни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш фойдаланиш ёки истеъмол қилишга бўлган талабларни белгилайдиган техникавий ҳужжатлар хизмат килади.

Бошқарувчи таъсирлар сифатни бошқариш тизимида иккита масалани ечиши мумкин:

- бошқарилаётган жараёни бошқариш дастури жорий қилган ҳолатда сақлаб туриш, яъни ишлаб чиқариш тизимини режалаштирилган сифат даражасида маҳсулот чиқаришни таъминлайдиган барқарор ҳолатда сақлаб туриш;
- бошқарилаётган жараён ҳолатини тўғрилаб туриш, яъни ишлаб чиқариш тизимини замонавийлаштирилган ёки юқорироқ техникавий даражали ва сифатли янги маҳсулот чиқаришни таъминлайдиган юқорироқ даражага кўтариш.

Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни қуйидаги операция (ҳаракат) лардан иборат:

- сифатни бошқариш дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни режалаштириш;
- маҳсулот сифатига таъсир қилувчи ҳар қандай бошқарилаётган жараён ҳолати ҳақида ахборот олиш ва уни таҳлил қилиш;
- сифатни бошқаришга оид қарорлар қабул қилиш ва объектга қилинадиган бошқарувчи таъсирларни тайёрлаш;
- бошқарувчи таъсирларни чиқариш;

- бошқарувчи таъсирлар юзага келтирган маҳсулот сифати кўрсаткичларининг ўзгаришлари ҳақида маълумот олиш ва уни таҳлил қилиш.

Маҳсулот сифати ҳақида маълумот, одатда, бир неча каналлар орқали келади (қайтма алоқа). Асосий шаклда иккита асосий канал кўрсатилган:

- биринчи канал маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқариш даражасида ишлайди (ишлаб чиқарувчи корхонадаги сифат назорати);
- иккинчи канал фойдаланиш доирасидаги маҳсулот сифати ҳақида маълумотни узатади.

Маҳсулотнинг ҳақиқий сифати тўғрисидаги маълумот режалаштирилган сифат кўрсаткичлари билан солиштирилади. Қиёслаш натижалари бўйича сифатни сақлаб туриш ёки кўтариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар маҳсулот сифатига таъсир этувчи турли омиллар ўзгартирилишини назарда тутди. Бу омилларни техникавий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоийларга ажратиш мумкин.

Техникавий омиллар гуруҳига:

- технологик жиҳозлар, ускуналар, асбоб ва назорат воситалари ҳолати;
- дастлабки материаллар, хом ашё ва жамловчи буюмлар сифати;
- техникавий ҳужжатлар ва бошқалар ҳолати ва сифатидан иборат.

Ташкилий омиллар гуруҳига:

- ишнинг мунтазамлиги ва бир маромдалиги;
- жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш;
- материал, жамловчи буюмлар, ускуналар, асбоблар, назорат воситалари ва техникавий ҳужжатлар билан таъминланганлик;
- меҳнатни илмий ташкил қилиш;
- ишда овқатланиш ва дам олишини ташкил этиш ва бошқалар.

Иқтисодий омиллар:

- меҳнатга ҳақ тўлаш шакли;
- иш ҳақинининг миқдори;

- юқори сифатли маҳсулот ва иш учун мукофотлаш;
- яроқсиз маҳсулот учун маошдан чегириб қолиш;
- маҳсулот таннархи ва нархи; сифат даражаси ва бошқалар.

Ижтимоий омиллар гуруҳи:

- кадрларни танлаш, жойлаш ва иш жойини ўзгартириш;
- малака оширишни ташкил қилиш;
- илмий-техникавий ижод, рационаллаштириш ва ихтирочилик;
- турар-жой, маиший шароитлар, жамоадаги ўзаро муносабатлар, психологик иқлим ва бошқалар.

Корхона ва ташкилотларда сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Сифат менежменти тизимини жорий этиш босқичлари. ИСО 9000 стандартларини жорий этишга иккита ёндошув мавжуд.

Биринчи ҳолатда стандартлардан ташкилот самарадорлигини ошириш воситаси сифатида фойдаланилади. Бунда уларни жорий этишга ички талаб пайдо бўлиши ва буни юқори раҳбарият яратади бироқ бусиз келгусида ривожланиш бўлмайди. Бундай стратегияда тизимнинг натижавийлигини ошириш, ҳолисона ички аудитни ўтказиш, ўз-ўзини баҳолаш учун ресурсларни белгилаш, энг мақбул ҳужжатлар таркибини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлади ва сифат менежменти тизимини ташкиллаштириш, жараёнлар ва маҳсулот сифати биринчи ўринда туради.

Иккинчи ҳолатда эса, сертификат олиш мақсадида стандартлар жорий этилади. Бунда бошқалардан қолишмаслик истагида, шартномалар тузишда истеъмолчилар, ҳамкорлар ёки тендер талаблари шартлари бўлиши мумкин бўлган зарурият юзага келади. Бундай ёндашувда барча куч ва эътибор сертификатлаштириш идораси талабларини расмий бажариш ва ҳужжатларни ишлаб чиқишга жалб этилади. Техник, иктисодий ва бошқарув қарорларини қабул қилувчи мутахассислар бир томонга қолиб, бироқ, ходимлар фақат текширувчилар учун зарур бўлган ишларни бажаришади. Стандартларни жорий қилишдан асосий мақсад бу тизим сифатни яхшилаши лозим.

Сифат менежменти тизимини яратишда қуйидаги йўналишлардаги ишларни талаб қилади:

1) вазифали; 2) ташкилий.

1) СМТни яратишнинг вазифали йўналиши қуйдагиларни қамраб олади:

- корхонанинг сифат соҳасидаги сиёсатини ишлаб чиқиш;
- корхонанинг сифат бўйича қўлланмасини ишлаб чиқиш;
- корхонанинг асосий бизнес-жараёнлари учун ҳужжатлаштирилган процедура ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- корхонанинг ички стандартларини ишлаб чиқиш;
- таҳлилий ва статистик назорат усуллари жорий қилиш (зарурият бўлганда).

2) СМТни яратишнинг ташкилий йўналиши қуйдагиларни қамраб олади:

- сифат хизматини яратиш;
- СМТ ҳужжатларини юритиш учун жавобгар (шахс)лар ва бўлинмаларни аниқлаш;
- сифат бўйича ваколатли шахс (сифат хизмати раҳбари)ни тайинлаш;
- корхонанинг бошқа бўлинмалари билан сифат хизматнинг ўзаро фаолияти (СМТ ишлаб чиқиш ва жорий этиш масалалари бўйича) йўлга қўйиш.

СМТ самарали жорий этиш ва яратиш учун корхонанинг сифат соҳасидаги стратегиясини аниқлаш, корхонада СМТ ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ишчи гуруҳни яратиш, бизнес-жараёнлар таҳлилинини ўтказиш, корхонада сифатни бошқариш соҳасида бажарилган ишларнинг бутун тафсилотини таҳлил қилиш керак. Сифат менежменти тизимини ва СМТ ҳужжатлаштирилган процедураларини ишлаб чиқиш машаққатли ва масъулиятли босқич бўлиб ҳисобланади ва шунинг учун лойиҳанинг алоҳида босқичи деб белгиланган.

ИСО 9000 стандартлари бўйича сертификатлаштиришдан мақсад корхона сифат тизимининг қатор таркиблари сифатида ва расмий талаблар сифатида мувофиқлиги кўзланган. Сифат менежменти тизимини бу талабларга мувофиқлигини ўрнатиш жараёни ўта машаққатли бўлиши мумкин яъни кўп

вақт талаб этилади. Бунинг учун, корхона раҳбарияти ИСО 9000 серияли стандартлари бўйича сертификатлаштиришга сифат менежменти тизими тайёрлиги тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин, барчадан "рози" ва "қарши"лигини пухталиқ билан қараб чиқиши лозим, шунингдек, корхона учун сифат менежменти тизимига сертификат нима учун кераклигини яққол аниқлаши лозим. Бир қанча муаллифларнинг қарашлари бўйича ИСО 9001:1994 стандарт бўйича сифат тизимини сертификатлаштирувчи корхоналар кутилган самарани олишмаган деб ҳисоблашган. Бизнинг фикримизча ишларнинг ҳажми стандартларда кўп келтирилган эмас, балки, уларнинг талабларини қанчалик тушуниш ва аниқ бажаришда. Дастлаб СМТ ишлаб чиқиш ва жорий этишда муваффақиятсизлик бўлиши мумкин, лекин сертификатлаштиришда кўпол номувофиқликлар, расмийчиликлар ёки нолаёқатли аудиторларнинг танбеҳлар бериши "барҳам топади".

Хаттоки, хорижда ҳам асосан, алоҳида тармоқлар (ҳарбий ва аэрокосмик тармоқлари, автомобилсозлик ва бошқалар)да маҳсулотнинг сифати инсонларнинг соғлиғи ва ҳаёти билан боғлиқ бўлгандагина ИСО 9000 сертификатининг (ёки бунга ўхшаш сертификатлар) бўлиши мажбурий деб ҳисобланади. Баъзан сертификатлаштиришни мавжуд бўлиши буюртмачининг сифат тизими талабларида бўлиши мумкин. Қолган ҳолатларда ИСО 9000 сертификати мажбурий бўлиб ҳисобланмайди, бироқ, таъминотчини танлашда афзалликларни таъминлаши мумкин. Стандартнинг кенг қўлланилиши унинг универсаллиги билан тушунтирилади, шунингдек, таълим муассаларидан бошланиб то ҳарбий саноатгача бўлган ихтиёрий турдаги ташкилотларда қўллаш имконияти мавжуд. ИСО 9000 серияли стандартлар корхона сифат менежментида ташкилий-услубий асос бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, халқаро сертификатлаштириш маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш воситаси сифатида бутун дунёда кенг тарқалган. Корхонада амалдаги менежмент тизимининг таҳлис (диагностик) аудити ўтказилиб сифат менежмент тизими яратилади. Таҳлис аудитининг мақсади амалдаги менежмент тизимини халқаро амалиётдагига нисбатан тузилиши ва менежмент

тизимини ишлаб туриши, ҳамда, уни ИСО 9001 халқаро стандарти талабларига мувофиқлигини баҳолашни ҳисобга олиб дастлабки баҳолашдан иборат. Сифат менежмент тизимини яратиш бўйича бажариладиган ишларнинг мумий кетмакетлиги блок-схемаси 6- расмда келтирилган.

Сифат менежмент тизимини яратиш бўйича ишлар дастурида қуйидагилар кўзда тутилади:

- 1) Ташхис аудитини ўтказиш.
- 2) СМТ ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳини шакллантириш.
- 3) Сифат менежмент тизимини ишлаб чиқиш ва ишчи ҳолатини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳни ўқитиш, сифат менежмент тизими ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун семинар ва амалий машғулотлар ўтказиш. Бошқарувнинг турли даражалари учун ўқишни ўтказиш: юқори (стратегик) - ИСО 9000 серияли стандартлари талабларига асосан, умумлаштирувчи қисқача маълумотлар ва унда раҳбариятнинг ўрни;

ўрта (тактик) - жараёнлар раҳбарларининг вазифалари ва менежмент тизими элементларини тўлиқроқ ифода этиш;

қуйи (оператив) - ишлаб чиқариш, менежмент тизимини тузиш тажрибаси ва унга жараёнли ёндашиш;


ички аудиторларни ўқитиш.

- 4) Сифат менежменти тизими ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича ИСО 9001:2008: сиёсат, мақсадлар, сифат қўлланмаси ва ҳужжатлаштирилган процедураларини ишлаб чиқиш.

- 5) Турли хил даражадаги бизнес-жараёнларни аниқлаш.

Бизнес-жараёнлар номенклатурасини аниқлаш:

менежмент: лойиҳалаштириш жараёнлари, сифат тизимини такомиллаштириш ва таҳлили, маълумот ва ҳужжатларни бошқариш жараёнлари; сотиб олиш ва ресурсларни бошқариш;



6 -расм. Сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун зарурий ҳаракатлар.

ишлаб чиқариш: жараёнлар, истеъмолчилар билан алоқадор жараёнлар, янги турдаги маҳсулотлари лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш жараёнлари, ишлаб чиқариш жараёнлари;

ўлчаш: маҳсулот ва жараёнларни ўлчаш ва мониторинг жараёнлари;

бўлинмаларни ўзаро фаолиятини аниқлаш: жараённинг кириш ва чиқишларини аниқлаш билан ўзаро фаолиятдаги жараёнлари ва чегарасини тавсифлаш.

Ишлаб чиқариш даражасини таҳлил қилиш ва қайта тузиш.

Жараёнлар тавсифлашни аниқлаш.

Жараёнлар бўйича зарурий ҳужжатлар ва ишлаб чиқилган СМТ процедураларини жорий қилиш.

- 1) Ҳужжатлаштирилган жараёнлар ва тавсифлари: жараёнларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш (уларнинг самарадорлиги ва натижавийлиги).
- 2) Сифат менежменти тизимини лойиҳалаштириш.
- 3) Жараёнларни ресурслар билан таъминлаш: жавобгар ва ваколатли ходимларни аниқлаш; инфратузилма талабларини аниқлаш (асосий воситалар, хизматалар, молиялар, маълумотлар).
- 4) Жараёнлар таҳлили ва мониторинги, жараёнларнинг натижавийлиги ва самарадорлигини ўлчаш, уларни баҳолаш усуллари жорий қилиш, бошқариш усуллари аниқлаш. Жараёнлар ва уларни таҳлили бўйича ҳисобот шкаллари жорий қилиш.
- 5) СМТни тайёрлигини яхлит текшириш: ички аудит ва юқори раҳбарият томонидан таҳлилни ўтказиш; сертификатлаштиришдан олдинги аудитни ўтказиш.
- 6) СМТни сертификатлаштириш.

Сифат менежменти тизими ҳужжатларини ишлаб чиқиш

Сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда ҳужжатларни ишлаб чиқишга амалий ёндашув қуйидагича амалга оширилади:

1. Сифат соҳасидаги сиёсат ва мақсадларни ишлаб чиқиш.

Сифат соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқишда "Сифат соҳасидаги сиёсат" атамаси таърифни эътиборга олиш ва қуйидагилар кўрсатилган сиёсатни ишлаб чиқиш бўйича вазифани белгилаш керак:

- юқори раҳбарият томонидан расмий шакллантирилган, ташкилотни сифат соҳасидаги умумий мўлжаллари;
- юқори раҳбарият томонидан расмий шакллантирилган, ташкилотни сифат соҳасидаги фаолият йўналишлари;

Сифат соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқишни қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш тавсия қилинади:

- сифат соҳасидаги сиёсатни ҳужжат сифатида тузилишини аниқлаш;
- корхона стратегик мақсадини аниқлаш;
- ташкилотни сифат соҳасидаги асосий фаолият йўналишларини аниқлаш;
- асосий йўналишлар бўйича ташкилот фаолияти таомилларини аниқлаш;
- сифат соҳасидаги сиёсатни юритиш ва ташкилотни сифат соҳасидаги мақсадларига эришиш учун шароитларни яратиш учун ташкилот раҳбариятини мажбуриятларини аниқлаш.

Корхонани сифат соҳасидаги сиёсатини ишлаб чиқиш учун жавобгарлик раҳбарга юкланади. Сиёсатни ишлаб чиқиш учун у томонидан корхонани етакчи мутахассислари, юқори раҳбарлик звеноси жалб қилиниши мумкин. Раҳбар томонидан имзоланган Сиёсат корхонани барча ходимларига етказилиши керак.

Ташкилот мақсадларини белгилашда юқори раҳбарият қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:

- ташкилотни жорий ва келажакдаги эҳтиёжлари ва истеъмолчилар истакларини;
- маҳсулот ва жараёнларни сифат кўрсаткичларини;
- ташкилот фаолиятини ўз-ўзини баҳолаш натижаларини;
- маҳсулот, сифат менеджменти тизимлари жараёнларини яхшилаш имкониятларини;

- қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур ресурсларни.

Мақсадлар бутун ташкилотни қамраб олиши ва уларга эришиш учун жавобгар шахслар кўрсатилиши керак. Мақсадларни барча ходимларга аниқ етказиш керак. Мақсадлар даврий равишда таҳлил қилиниши ва зарур бўлганда қайта кўриб чиқилиши керак. Ташкилот мақсадлари ўлчанадиган бўлиши ва сифат соҳасидаги сиёсат билан мувофиқлаштирилган бўлиши керак.

Мақсадлар аниқ қийматлар билан, ёхуд сонли қиймат билан тавсифланмайдиган, лекин баҳолаш мумкин бўлган режалаштирилаётган самарадорлик билан тавсифланиши мумкин.

Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш. Менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораларига қўйилган талаблар. Сифат менежменти тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича идоралар сифатида "Ўзстандарт" агентлигининг ҳудудий идоралари, СМТни, бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралар ва бошқа ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга тобеъ бўлмаган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган бошқа ташкилотлар Ўз ДСт ISO/IEC 17021:2009 стандарти талабларига мувофиқ аккредитланиши мумкин.

Ушбу стандартнинг тузилмаси бўйича сертификатлаштириш идорлари қуйидаги талабларни бажариши лозим:

1-бўлим. Тамойиллар: умумий тўдалар; ҳолисоналик; лаёқатлилиқ; жавобгарлик; очиқлик; махфийлик; шикоятларга жавоб бериш тамойилларини белгилайди.

2-бўлим. Умумий талаблар: ҳуқуқий ва шартнома масалалари; ҳолисоналикни таъминлаш; мажбурият ва молиялаштиришга талаблар;

3-бўлим. Тузилмасига талаблар: ташкилий тузилма ва юқори раҳбарият; ҳолисоналикни ҳимоялар бўйича Кенгашга талаблар;

4-бўлим. Ресурсларга талаблар: раҳбар ва ходимларнинг лаёқатлилиги; сертификатлаштириш бўйича фаолиятда ходимларни жалб этилиши; ташқи

аудиторлар ва ташқи техник экспертларни жалб қилиш; ходимлар тўғрисидаги ёзувлар; билвосита (четки) ташкилотларни жалб қилишга тегишли талаблар;
5-бўлим. Ахборотларга талаблар: кенг миқёсда фойдаланиладиган ахборотлар; сертификатлаштиришга тааллуқли ҳужжатлар; сертификатланган ташкилотларнинг рўйхати; сертификатга ҳаволалар ва белгилардан фойдаланиш; махфийлик; сертификатлаштириш идорасининг миждозлар билан ўзаро ахборот алмашинувига талаблар;

6-бўлим. Жараёнларга талаблар: умумий талаблар; бошланғич аудит ва сертификатлаштириш; назорат бўйича фаолият; қайта сертификатлаштириш; махсус аудитлар; сертификатлаштириш амал қилиш соҳасини қисқартириш, тўтатиш ёки бекор қилиш; апелляция; шикоятлар; аризачилар ва миждозлар тўғрисидаги ёзувларга талаблар;

7-бўлим. Сертификатлаштириш идораси менеждменти тизимида талаблар келтирилган.

Менеждмент тизимларини (МТ) сертификатлаштириш идораларига, шунингдек, сифат менеждменти тизимини сертификатлаштириш идоралари Ўз ДСт ИСО/ИЕС 17021:2009 (ИСО/ИЕС 17021:2006) ва ИСО/ИЕС 62 талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимида аккредитланган сертификатлаштириш идоралар сертификатлаштиришни амалга оширади. Ҳар бир аккредитланган сертификатлаштириш идоралари, аккредитлаштириш идораси томонидан тасдиқлаган фаолияти бўйича сертификатлаштириш рўйхати, ушбу идора учун рухсат этилган аккредитатсия соҳаси бўлиши шарт. Сертификатлаштириш фаолиятлари соҳасининг умумий рўйхати, яъни халқаро аккредитлаштириш бўйича форум ИАФ ГД 2:2005 "ИСО/ИЕС 62:1996 қўллаш бўйича тавсиялар" аниқланган.

Менеждмент тизимларини сертификатлаштириш идоралари Ўз ДСт ИСО/ИЕС 17021:2009 стандарт талабларига мувофиқ бўлиши ва уларда сифат тизими ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

МТ соҳасида сертификатлаштириш процедураси бўйича қарор қабул қилувчи аудиторлар малакаси Ўз ДСт ИСО 19011 ёки Ўз РХ 51-014 га мувофиқ тасдиқланган бўлишлари лозим ва улар Ўз РХ 51-21 бўйича давлат реестрида рўйхатга олинган бўлишлари шарт.

МТ сертификатлаштириш "Ўзстандарт" агентлиги тасдиқлаган менежмент тизимларини сертификатлаштириш қоидалари ва Ўз ДСт ИСО 19011 ҳисобга олиб менежмент тизимларини сертификатлаштириш идоралари ишлаб чиққан процедура ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Аудит учун зарурий қўшимча талаблар Ўз ДСт ИСО 9001, ИСО 14001, ОХСАС 18001 ва бошқа стандартларда белгиланган. [4]

Сертификатлаштириш идораси ва унинг аудиторлари ҳамда барча мутахассислари, шунингдек, аудиторлик гуруҳи ишида қатнашишга жалб қилинган субпудратчилар аризачи-ташкилотнинг аудити жараёнида олинган барча маълумотларни махфийлигига риоя этиши ва мустақил, лаёқатли бўлиши шарт.

Менежмент тизимини сертификатлаштириш идоралари сертификатлаштириш аудити жараёни қуйидаги босқичларда амалга ошириш лозим:

- текширилаётган ташкилот билан бошланғич боғланишни ўрнатиш;
- сертификатлаштиришга аризани бериш ва кўриб чиқиш;
- ариза бўйича қарор қабул қилиш;
- ташкилот ҳужжатларини таҳлил қилиш;
- дастлабки аудит (аудит ўтказиш жойига дастлабки келиб кўриш);
- сертификатлаштиришни ўтказишга тайёрлаш (жойида аудит);
- сертификатлаштириш аудити (жойида аудит);
- кузатишда олинганларни таҳлил қилиш ва аудит натижалари бўйича хулоса тайёрлаш, рўйхатга олиш ва мувофиқлик сертификатини бериш;
- сертификатлаштирилган МТ мувофиқлик сертификати амал қилиш муддати давомида инспекцион назорати.

Сертификатлаштириш идораси боғланишни ўрнатишда аризачига ўзининг аккредитация соҳаси, сертификатлаштириш процедураси, ариза шакли ва юридик манзиллари ҳақида тўлиқ маълумотларни тақдим қилади. Бунда келгусида сертификатлаштириш процедуралари учун зурурий боғланувчи шахс, ташкилот манзили, телефон, менежмент тизимининг қўлланиш соҳаси, ташкилотнинг бошқа маълумотлари аниқланиб, белгиланади. МТ сертификатлаштиришга талабгор ташкилот, миллий тизимда аккредитланган МТ сертификатлаштириш бўйича идорага ариза жўнатади. Ариза бўйича ижобий қарор бўлса, аризачи-ташкилот сертификатлаштириш бўйича идорага сифат қўлланмаси, мажбурий ҳужжатлаштирилган процедуралар, асосий жараёнлар бўйича ҳужжатлар ва сертификатлаштириш бўйича идора сўрови ёки аризачи-ташкилот қизиқиши бўйича бошқа ҳужжатларни тақдим қилиши лозим. Сертификатлаштириш бўйича идорага тақдим қилинган аризада МТ қўлланиш соҳасини, ва сертификатлаштириш соҳалари ўзининг аккредитлаш соҳаси билан мувофиқлигини аниқлаб аниқ ва равшан тасдиқлаши лозим.

Текширилаётган ташкилот ҳужжатларни таҳлил қилишни аудит мезонларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказади. Таҳлил қилишда ташкилотнинг фаолияти турлаи, ўлчами ва мураккаблигини ҳамда аудит ўтказиш соҳаси ва мақсадларини ҳисобга олиниши лозим. Буюртмачининг талаби бўйича, махфийликка риоя қилиш мақсадида, ҳужжатлар таҳлили буюртмачи аудити ўтказилгунгача жойида ўтказилиши мумкин. Алоҳида ҳолатларда, агарда аудит ўтказиш натижаларига зарар келтирмаса ҳужжатлар таҳлили аудит ўтказиш давомида жойида ўтказилиши мумкин. Ҳужжатлар таҳлилини, СМТ сертификатлаштириш бўйича идора раҳбари ёки аудиторлар гуруҳи раҳбари тайинлаган ходимлар амалга оширишади. Дастлабки аудит буюртмачи ташилотда зарурийат туғилганда масалан, аудитни режалаштиришда зарурий маълумотларни олиш учун ёки агарда ҳужжатлар таҳлили натижалари жиддий номувофиқликлар мавжудлигини кўрсатса, сертификатлаштириш аудитини ўтказиш имконияти тўғрисида хулоса чиқариш мумкин эмас. Дастлабки аудит корхонани сертификатлаштириш

аудитга тайёрлигини текшириш учун буюртмачининг хоҳиши бўйича ҳам ўтказилиши мумкин.

Хужжатлар таҳлили дастлабки аудит натижалари ижобий бўлса, аудиторлар гуруҳи белгиланади. Комиссия таркибига келтирилган кодлар бўйича малакага эга бўлган ва сертификатлаштириш бўйича идоранинг аккредитлаштириш соҳасига мувофиқ аудиторлар ва зарурият туғилган ҳолатларда экспертлар киритилади. Аудиторлар гуруҳи раҳбари сертификатлаштириш аудитининг режасини ишлаб чиқади ва текширилаётган ташкилот билан олдиндан келишиб олади. Гуруҳ раҳбари, комиссия аъзоларини текшириш объектларига тақсимлайди, улар олдиндан аудит учун саволнома тайёрлайдилар.

Халқаро аккредитлаштириш бўйича форуми ИАФ ГД 2:2005 “ИСО/ИЕС 62:1996 қўллаш бўйича тавсиялар”да тавсия қилинган эксперт-аудиторлар иш куни миқдори бўйича аниқ ҳажми аниқланади.

Менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораси сертификатлаштириш аудитида келтирилган тартибда ўтказилади.

МТ аудитини ўтказиш технологияси қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- мавжуд ҳужжатларни текшириш;
- ҳужжатларни бошқарувчанлигига стандартларда ўрнатилганларга мувофиқлиги ва ички талабларига текшириш;
- МТ ҳужжатлари талабларини ходимлар бажаришини текшириш;
- ўрнатилган шаклда баённомаларга номувофиқликларни ва аудиторлар ҳисоботларини МТ мувофиқ далилларни қайд этиш.

Аудиторлар гуруҳи раҳбари аудит кузатувида олинганларга асосан аудит ҳақида ҳисобот тайёрлайди. Ҳисобот Ўз ДСт, ИСО 19011 талабига мувофиқ тайёрланиб ва аризачига келишилган муддатда берилиши лозим. Якуний йиғилишда аудиторлик гуруҳи аудит натижалари, шунингдек, аниқланган номувофиқликлар ва келгусида сертификатлаштириш бўйича идора ва аризачи ўртасидаги ўзаро фоалиятлар тўғрисида маълумот беради.

Сертификатлаштириш жараёнида йиғилган маълумот, МТ СИ сертификатлаштириш бўйича, қарорни қабул қилишида асослашга етарли бўлиши лозим. Сертификатлаштириш барча рўйхатга олинган номувофиклик баённомалари бартараф қилинмасдан ва сертификатлаштириш бўйича идора аудиторлари (ташкilotларни қатнашиши ёки бошқа йўл билан) тузатиш ҳаракатларни текширмасдан олдин тугатилиши мумкин эмас.

Аудиторлик гуруҳи қарор қабул қилиш учун аудит мезонларига мувофиқ аудит давомида йиғилган бошқа маълумотларни ва аудит кузатувини таҳлил қилади ва бу тўғрисида хулоса тайёрлайди.

Аризачи ташкilotга сертификатни бериш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарорни сертификатлаштириш идораси, сертификатлаштириш жараёнида йиғилган маълумотлар ва сертификатлаштириш фаолиятига тааллуқли, ихтиёрий бошқа маълумотлар асосида қабул қилади. Аудитга қатнашишга қабул қилинган ходим, сертификатлаштириш бўйича қарорни қабул қилишда қатнашиши шарт эмас.

Сертификатлаштириш бўйича идора ижобий хулоса бўлган ҳолатда Ўз РХ 51-021га мувофиқ давлат реестри тизимига киритиш ва рўйхатга олиш учун сертификатлаштириш миллий идорасига тақдим этади ва ўрнатилган шаклда сертификат расмийлаштиради. Сертификатлаштириш идораси рўйхатга олганидан сўнг аризачига сертификат билан бирга мувофиқлик белгисини қўллаш ва инспекцион назоратини ўтказиш шартномаларини беради.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлари сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишади:

- Сифат тизимларини дастлабки баҳолашини ўтказди ва сертификатлаштиришни ўтказиш учун шартномалар тузадилар;
- ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш усулиятларини ва сифат тизимларини текшириш дастурларини ишлаб чиқадилар;
- сифат тизими ёки ишлаб чиқаришнинг аудитини ўтказди;

- сифат тизими ёки ишлаб чиқариш сертификатларини расмийлаштиради, сертификатни беради ва тан оладилар;
- сертификатлаштириш натижалари ҳақида маълумот берадилар.

3.3. Косонсой тўқимачи МЧЖда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таҳлили ва уни сертификатлаштириш.

Корхона маҳсулотини ишлаб чиқиш шароитида таёрлаш. Тажриба ўтказиш учун ярим жунли ўлчамлари 100x150см, 140x205см, 150x205см 3та вариантда полотноли ўрилишдаги, арт. № 9232 ,арт. № 9230, арт. № 9248, одеаллар олинди.Тажриба учун ҳар бир вариантга 31x2 тексли ип олинди. Тажриба Косонсой "Тўқимачи Тўқимачи" М.Ч.Ж.да ва ТТЕСИ лабораторияларида ўтказилди. Бунинг учун корхонада ярим жунли куйидаги иплар карда системасида ишлаб чиқарилади .Танда ипини чизиқий зичлиги 31X2 текс, арқоқ ипини чизиқий зичлиги эса 333текс.Тўқув цехининг тайёрлов бўлимида пилтали тандалаш Швецария фирмасини Модел Бенингер машинасида тўқув ғалтаклари таёрланади ва тўқув цехига юборилади.Арқоқ ипи эса йигирув цехидан тўғри тўқув дастгоҳига юборилади. Тўқув цехида PИCANOL (жаккард) тўқув дастгоҳида одеяла тўқилади.

Биринчи намунали Тўқима учун ярим жунли ўлчами 100x150 см. одеал Тўқимасида 31x2 тексли ип олинди, унинг таркибида : жун -60 % ,нитрон - 40 % ташкил топган, ип кўк рангда бўялган.

Иккинчи намунали Тўқима учун ярим жунли ўлчами 140x205см. одеал Тўқимасида 31x2 тексли ип олинди, унинг таркибида : жун -60 % ,нитрон - 40 % ташкил топган, ип кизил рангда бўялган.

Учинчи намунали Тўқима учун ярим жунли ўлчами 150x205см. одеал Тўқимасида 31x2 тексли ип олинди, унинг таркибида : жун - 70 % ,нитрон - 30 % ташкил топган, ип зангор рангда бўялган.

Юқоридаги арт. № 9232 ,арт. № 9230, арт. № 9248 Тўқима одеял намуналари PИCANOL русумли тўқув дастгоҳида тўқилган.

Одеал Тўқималарини физик-механик хоссаларини таҳлили. Олинган 3 та вариант Тўқималари учун 9382-78 ГОСТ асосида қўйдаги кўрсаткичлар аниқланди: юза зичлиги, узиш кучи, узишдаги чўзилиши, бўёқни мустаҳкамлиги (куруқ ва хўл ҳолларда), ўрилишдаги киришиши (танда ва арқоқ бўйича) .Тажриба натижалари 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1 намуна	2 намуна	3 намуна
1.	Тўқимани зичлиги танда бўйича арқоқ бўйича	Ip / dm	123 162	125 168	118 159
2.	Ипни чизиқий зичлиги танда ипи арқоқ ипи	teks	31x2 333x1	31x2 333x1	31x2 333x1
3.	Юза зичлиги	g / m ²	621,9	732,0	563,9
4.	Узиш кучи танда бўйича арқоқ бўйича	N	836,2 269,3	682,3 576,2	646,1 198,6
5.	Узишдаги чўзилиши танда бўйича арқоқ бўйича	%	6,3 4,4	1,7 2,2	1,7 5,5
6.	Бўёқни мустаҳкамлиги Қуруқ ҳолларда Хўл ҳолларда	ball	4 4/4	4 4/4	4 4/4
7.	Ўрилишдаги кириши танда бўйича арқоқ бўйича	%	2,5 2,5	2,5 3,0	2,5 3,0

Намуналар учун бир квадрат мерт хажмли оғирликлари аниқланди. Натижа шуни кўрсатдики 3-чи наmunани оғирлиги - 563,9 г / м² енгилрок, 2-чи наmunани оғирлиги эса - 732 г / м² оғирок. (Тўқима наmunаларини юза зичлиги иловада келтирилган).

Тўқимани зичлиги танда ва арқоқ тадқиқот қилинганда, тўқимани танда бўйича зичлиги: 1-чи наmunаники - 123 ип / дм.; 2-чи наmunаники - 125 ип / дм.; 3-чи наmunаники - 118 ип / дм.;

Тўқимани арқоқ бўйича зичлиги: 1-чи наmunаники - 162.ип / дм.; 2-чи наmunаники - 168 ип / дм.; 3-чи наmunаники - 159 ип / дм..

Намуналар учун узиш кучи танда бўйича аниқланди. Натижа шуни кўрсатдики 3-чи наmunани узиш кучи - 646,1Н оз, 2-чи наmunани узиш кучи эса - 682,3Н кўпрок, 1-чи наmunани узиш кучи - 836,2Н кўп. (Тўқима наmunаларини узиш кучи 1-иловада келтирилган).

Намуналар учун узиш кучи арқоқ бўйича аниқланди. Натижа шуни кўрсатдики 3-чи наmunани узиш кучи - 198,6Н оз, 1-чи наmunани узиш кучи эса - 269,3Н кўпрок, 2-чи наmunани узиш кучи - 576,2Н кўп. (Тўқима наmunаларини узиш кучи 1-иловада келтирилган).

Намуналар учун узишдаги чўзилиши танда бўйича аниқланди. Натижа шуни кўрсатдики 2-чи ва 3-чи наmunалари узиш кучи - 1,7% дан оз, 1-чи наmunани узишдаги чўзилиши - 6,3% кўп. (Тўқима наmunаларини узишдаги чўзилиши 1-иловада келтирилган).

Намуналар учун узишдаги чўзилиши арқоқ бўйича аниқланди. Натижа шуни кўрсатдики 2-чи наmunани узишдаги чўзилиши - 2,2% оз, 1-чи наmunани узиш кучи эса - 4,4% кўпрок, 3-чи наmunани узишдаги чўзилиши - 5,5% кўп. (расм.Тўқима наmunаларини узишдаги чўзилиши).

Намуналар учун бўёқни мустахкамлиги (куруқ ва хўл ҳолларда), аниқланди. Натижа шуни кўрсатдики барча наmunаларда бўёқни мустахкамлиги куруқ ҳолларда - 4б. ташкил топган, хўл ҳолларда эса барча наmunалар - 4/4б .эга. (Тўқима наmunаларини бўёқни мустахкамлиги (куруқ ва хўл ҳолларда) 1- иловада келтирилган).

Намуналар учун ўрилишдаги киришиши танда бўйича аниқланди. Натижа шуни кўрсатдики 1-чи намунани ўрилишдаги киришиши танда ва арқоқ бўйича - 2,5% га эга , 2-чи ва 3-чи намуналарни ўрилишдаги киришиши танда бўйича - 2,5% ташкил топган, 2-чи ва 3-чи намуналарни ўрилишдаги киришиши арқоқ бўйича - 3,0% эга. (Тўқима намуналарини ўрилишдаги киришиши (танда ва арқоқ бўйича) 1-иловада келтирилган).

Хулоса.

Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики:

1. Тўқима намуналарини бир квадрат мерт оғирлиги 3-чи намунаники озроқ , қолган Тўқима намуналарга нисбатан.
2. Тўқима намунаси танда бўйича узиш кучи 1-чи намунаники - 836,2Н мустаҳкамроқ, қолган Тўқима намуналарга нисбатан.
3. Тўқима намунаси арқоқ бўйича узиш кучи 2-чи намунаники - 576,2Н пишиқроқ, қолган Тўқима намуналарга нисбатан.
4. Тўқима намунаси узишдаги чўзилиши танда бўйича 2,3-чи намунаники - 1,7% га эга бу эса , қолган Тўқима намуналарга нисбатан узишдаги чўзилиши танда бўйича чўзилиш қобиляти паст.
5. Тўқима намунаси узишдаги чўзилиши арқоқ бўйича 2-чи намунаники - 2,2% га эга, қолган Тўқима намуналарга нисбатан, ушбу намуна арқоқ бўйича узишдаги чўзилиш қобиляти пастроқ.
6. Натижа шуни кўрсатдики барча намуналарда бўёкни мустаҳкамлиги куруқ ҳолларда -4б. ташкил топган, хўл ҳолларда эса барча намуналар - 4/4б. эга.
7. барча намуналарни ўрилишдаги киришиши танда ва арқоқ бўйича - 2,5% га тенг, аммо 2-чи ва 3-чи намуналарни ўрилишдаги киришиши арқоқ бўйича - 3,0% тенг.

Демак юқорида келтирилган тадқиқотлар ва уларни таҳлил қилиш натижасида шуни хулоса қилиш мумкинки 2-чи намуна кўрсаткичлари стандарт қийматларига яқинроқ , қолган намуналарга нисбатан. Бу Тўқима

намунасини арқоқ бўйича узиш кучи - 576,2Н; Тўқима намунаси узишдаги чўзилиши танда бўйича - 1,7%, чўзилиши арқоқ бўйича 1-намунаники - 2,2%; Тўқима намунасини ўрилишдаги кирилиши танда бўйича - 2,5% , арқоқ бўйича эса -3% тенг бўлгани учун,ярим жунли ўлчами 140x205см.бўлган одеал таркибидаги : жун -60 % ,нитрон - 40 % ва 31x2 тексли ип кизил рангда бўялган намуна стандарт кўрсаткичларига яқин бўлгани аниқланди.

Ш.боб бўйича хулоса.

Вилоят иқтисодиёти тараққиётида давлатлар ўртасида тузилган корхоналар ва улар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда уларнинг импорт ва экспорт қилиш ҳисобига эришилган ташқи савдо айланмаси миқдори алоҳида аҳамиятга эга.

2014 йил давомида 4335,3 минг АҚШ доллари миқдорида ЭКСПОРТ амалиётлари бажарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,8 фоиз ўсди. Шундан узоқ хориж давлатлари билан 3192,5 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амалиётлари бажарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 фоизга ортди.

Вилоятимизда 2014 йил ҳолатига 200 дан ортиқ тўқмачилик корхона мавжуд бўлиб, шундан 44 таси йирик, 26 таси ўрта, 67 таси кичик ва қолганлари микрокорхоналардир.

Сифат менежменти тизими – корхоналарини тегишли фаолият доиралари ва даражаларида белгиланадиган ва корхонани бошқариш учун қўлланиладиган мақсадларни ишлаб чиқиш ва уларга эришиш учун ўзаро боғлиқ ва ўзаро муносабатда бўлувчи элементларни йиғиндиси сифатида белгиланади.

Сифат менежмент тизими корхоналарида нафақат сифат муаммоларини, балки умумий бошқарув тизими, ходимларни бошқариш, фақат юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, сотиш, таъминот ва бошқа кўпгина масалаларни бошқаришга тизимли ёндошиш муаммоларини ҳамхал этади.

Корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифат менежмент тизимини жорий этиш ишлари 4 босқичда амалга оширилади ва тизимни сертификатлаштириш қиймати ҳам корхонадаги тизимнинг мураккаблиги ва ишчилар сонига боғлиқ бўлади.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича идоралар сифатида «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий идоралари, СМСИТИ, бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралар ва бошқа ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга тобе бўлмаган ва

белгиланган талабларга жавоб берадиган бошқа ташкилотлар аккредитланиши мумкин.

Менежмент тизимларини сертификатлаштириш идоралари Ўз ДСт ИСО/ИЕС 17021:2009 стандарт талабларига мувофиқ бўлиши ва уларда сифат тизими ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

МТ соҳасида сертификатлаштириш процедураси бўйича қарор қабул қилувчи аудиторлар малакаси Ўз ДСт ИСО 19011 ёки Ўз РХ 51-014 га мувофиқ тасдиқланган бўлишлари лозим ва улар Ўз РХ 51-21 бўйича давлат реестрида рўйхатга олинган бўлишлари шарт.

Маҳсулотнинг ҳақиқий сифати тўғрисидаги маълумот режалаштирилган сифат кўрсаткичлари билан солиштирилади. Қиёслаш натижалари бўйича сифатни сақлаб туриш ёки кўтариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар маҳсулот сифатига таъсир этувчи турли омиллар ўзгартирилишини назарда тутди. Бу омилларни техникавий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоийларга ажратиш мумкин.

Умумий хулоса .

Маҳсулот деганда меҳнат фаолияти жараёнининг моддийлаштирилган натижаси тушунилиб, у фойдали хоссаларга эга бўлади, аниқ ишлаб чиқариш жараёнларида олинади ва муайян жамоа ва шахсий характерли эҳтиёжларни қаноатлаштириши учун мўлжалланади.

Тўқимачилик материалларининг сифат кўрсаткичларини танлаш ва эксперт баҳолаш орқали маҳсулотларни сифати билишга, стандартларга солиштаришга (қиёслашга) ва уни ишбав чиқариш чароёнларни такомиллаштириш ҳамда сертификатлаштириш учун тавсия ишлаб чиқиш имконин яратади.

Тўқимачилик корхоналарида маҳсулотни сертификатлаш балан бир қаторда корхонада сифат менежмент тизимини жорий этиш ҳам мумкин ва Дассертацияни бу бобида иш Сифат менежмент тизимини жорий қилишнинг қийидагича асосий йўналиш ва вазифалари келтирилган:

- Минтақадаги илғор замонавий тўқимачилик корхоналар тажрибаси;
- ISOасосида сифат менежмент тизимини жорий этиш;
- Сифат - бошқариш объекти;
- Сифатни бошқариш тизим, муҳит, мақсад, дастур ва бошқа тушунчалари;
- Сифат тизимининг сертификати фирмага бозорда рақобат устунлигини сақлаб қолиш имкониятлари.

Сифат тизими - сифатни умумий бошқаришни амалга оширилишини таъминлайдиган ташкилий тузилмаси, тартибли ҳаракатлар (процедуралар), жараёнлар ва ресурслар мажмуасидир.

Тўқимачилин саноатда сифатли маҳсулот учун сифат кўрсаткичи танлаш — материалнинг кўрсаткичлари ва хоссалари бўлиб, сифатни баҳолашда меъёрий талабларга жавоб бераши, стандарт ва техник шартларда материал сифатини баҳолашда тузилиш кўрсаткичи ва тола таркиби бўйича сифат кўрсаткичлари меъёрланади ҳамда тузилиш кўрсаткичи ва таркиби сифат кўрсаткич даражасига таъсир этиши ҳисобга олинади.

Вилоят иқтисодиёти тараққиётида давлатлар ўртасида тузилган корхоналар ва улар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда уларнинг импорт ва экспорт қилиш ҳисобига эришилган ташқи савдо айланмаси миқдори алоҳида аҳамиятга эга.

2014 йил давомида 4335,3 минг АҚШ доллари миқдорида ЭКСПОРТ амалиётлари бажарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,8 фоиз ўсди. Шундан узоқ хориж давлатлари билан 3192,5 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амалиётлари бажарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 фоизга ортди.

Кузатишларимиз натижаларидан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки ҳозирда вилоятимиздаги тўқимачилик корхоналари халқаро талабларга мувофиқ сифат менежмент тизимини жорий этиш орқали ўз мавқеини кўтариб, унумдорлиги ва даромадларини ошириб натижада ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги ортишига эришилади.

Маҳсулот сифати даражасини ошириш йўлларида бири унинг техникавий даражаси ва сифатини оширишдир. Маҳсулот юқори сифатининг пойдевори асосий жиҳатдан янги технологиялар, юқори самарали ва чиқиндисиз жараёнлар, янги конструкцияли материаллар ва бошқалардир. Метрологик таъминот - ўлчаш информациясини олиш ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган ташкилий-техникавий чора-тадбирлар мажмуасидир.

Маҳсулот сифати пастлиги фақат сезиларли иқтисодий талафотларгагина эмас, балки салбий ижтимоий оқибатларга ҳам олиб келади.

Маҳсулот сифатини бошқариш - маҳсулот сифати даражасини жорий қилиш, таъминлаш ва зарурий даражада ушлаб туриш мақсадида лойиҳалаш, тайёрлаш ва фойдаланиш (ёки истеъмол қилиш) пайтида амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуасидир.

Сифатнинг зарурий даражасини жорий этиш тадқиқот қилиш ва лойихалаш босқичида мамлакат ҳамда хориждаги энг илғор илмий-техникавий ютуқлар таҳлили асосида амалга оширилади. Мазкур босқичда сифатни бошқариш муҳим аҳамиятга эга, чунки шу ерда бўлажак маҳсулотнинг асосий техникавий-иқтисодий ва фойдаланиш кўрсаткичлари ҳисобланади ва уларга асос қўйилади. Бу кўрсаткичлар истеъмолчиларнинг замонавий талабларидан юқорироқ бўлиши керак, чунки янги маҳсулот савдо соҳасига чиққунча унинг сифат кўрсаткичлари маънавий эскириб қолиши мумкин.

Маҳсулот сифатини таъминлаш ишлаб чиқариш босқичида амалга оширилади. Бу ерда маҳсулот сифати маҳсулотни тайёрлаш меъёрий-техникавий ҳужжатлар, жиҳозлар, ускуна ва асбоблар, олинadиган хом ашё, материал ва жамловчи буюмлар сифати билан аниқланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини баҳолаш мезони сифатида амалдаги техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар лойиҳа ҳужжатларда, яъни бирламчи босқичда кўзда тутилган мос кўрсаткичларга мувофиқлик даражаси хизмат қилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини сақлаб туриш, айланиш ва сотиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш босқичларида амалга оширилади. Маҳсулот айланиши ва сотилиши сифати сақлаш ва транспортлаш сифатларидан йиғилади.

Маҳсулот сифатига илмий тадқиқотлар, конструкторлик ва технологик ишланмаларда асос солинади, фойдаланишда эса улар рўёбга чиқади.

Маҳсулот сифатини жорий қилиш, таъминлаш ва сақлаб туришнинг асосий босқичларини тавсифловчи "сифат сиртмоғи" мавжуд.

Бу босқичларга:

- маҳсулотга бўлган талаблар, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини олдиндан кўриш (маркетинг тадқиқотлари);
- илмий-техникавий тараққиёт ютуқларини ҳисобга олиб, сифат даражасини шакллантириш, меъёрий-техникавий ҳужжатларни тайёрлаш;

- ишлаб чиқарувчи корхона имкониятларини таҳлил қилиш;
- сифатли хом ашё, материал, жамловчи буюмлар билан моддий-техникавий таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш, технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, жиҳоз, ускуна ва асбоблар билан таъминлаш;
- тегишли меъёрий-техникавий ҳужжатлар ва андозаларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- техникавий назорат ва синаш, тайёрлаш сифатини баҳолаш;
- тайёр маҳсулотни сотиш, маҳсулотни сақлаш, транспортлаш ва сотиш жараёнларида унинг сифатини сақлаб қолиш;
- тайёр маҳсулотни монтаж қилиш ва ундан фойдаланиш, хизмат қилиш ва таъмирлаш сифатини таъминлаш, истеъмолчи маҳсулот сифати билан қониққанлиги даражасини баҳолаш.

Сифат менежменти тизими – корхоналарини тегишли фаолият доиралари ва даражаларида белгиланадиган ва корхонани бошқариш учун қўлланиладиган мақсадларни ишлаб чиқиш ва уларга эришиш учун ўзаро боғлиқ ва ўзаро муносабатда бўлувчи элементларни йиғиндиси сифатида белгиланади.

Сифат менежмент тизими корхонларида нафақат сифат муаммоларини, балки умумий бошқарув тизими, ходимларни бошқариш, фақат юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, сотиш, таъминот ва бошқа кўпгина масалаларни бошқаришга тизимли ёндошиш муаммоларини ҳамҳал этади.

Маҳсулотнинг ҳақиқий сифати тўғрисидаги маълумот режалаштирилган сифат кўрсаткичлари билан солиштирилади. Қиёслаш натижалари бўйича сифатни сақлаб туриш ёки кўтариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар маҳсулот сифатига таъсир этувчи турли омиллар ўзгартирилишини назарда тутди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда стандартлаш ва сертификатлашни жорий қилишда албатта замонавий жиҳозланган лабораториянинг ўрни катта;

биринчидан, маҳсулотни физик-механик ўлчовларини аниқлигига эришилади;

иккинчидан, тезкор назоратга эга бўлади;

учинчидан, лаборатория синов жараёнида тажриба учун ишлатиладиган намуналар сарфи кескин камаяди

туртинчидан, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни олди олинади;

Демак, ишлаб чиқарилган маҳсулотга сертификат бериш тизимини жорий қилишда марказлашган замонавий жихозланган синов лабораторияси бўлишини тавсия этаман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон, 1996 й.
2. Метрология ҳақида. Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1993 йил.
3. Стандартлаштириш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1993 йил.
4. Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1993 йил.
5. Исматуллаев П.Р., Маъруфов Э.А., Абдуллаев А.Х. Метрология бўйича изохли луғат. Тошкент, 1993 й.
6. Исматуллаев П.Р., Тўхтамуродов З.Т. Сифат ва сертификат. Конструктор ИЧБ. 1994 й.
7. Исматуллаев П.Р., Тўхтамуродов З.Т., Абдуллаев А.Х. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришга муқаддима. Конструктор ИЧБ. 1995 й.
8. Крылова А.Н. Основы метрологии, стандартизации и сертификации. М.: Аудит, 1998 г, ЮНИТИ.
9. ЎзРСТ 8.010-93. Метрология. Атамалар ва таърифлар.
10. ЎзРСТ 1.0-92. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалар.
11. ЎзРСТ 5.0-92. Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаш тизими. Асосий қоидалар.
12. А.А.Абдувалиев, В.Б.Латилов, А.С.Умаров ва бошқалар. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, сифат. Тошкент 2008 йил.
13. Исматуллаев П.Р., Аҳмелов Б.М., Матякубова Р.М, Ҳароқулов Ғ.Ҳ. Сифат менежменти тизими ва уни сертификатлаштириш. “Сано-стандарт наشريёти” Тошкент-2014 й.
14. Исматуллаев П.Р., Абдуллаев А.Х., Қодирова Ш.А., Аъзамов А.А., Миралиева А.Қ. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Маърузалар матни. ТДТУ, 2000.

15. Шишкин И.Ф. Метрология, стандартизация и управление качеством. М.: Изд. Стандартов, 1990 г.
16. А.А.Қурбанов Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш “Янгийўл полиграф сервис” Тошкент-2007 йил.
17. Бегунов А.А., Исматуллаев П.Р., Икрамов Г.И. Измерения в технологических отраслях промышленности. Ташкент, “Мехнат”, 1991 г.
18. Артемьев Б.Г., Голубев С.М.. Справочное пособие.М., Изд.Стандартов, 1986 г.
19. Козлова А.В. Стандартизация, метрология, сертификация в общественном питании. М.: 2002г.
20. Лифиц Н.М. Основы стандартизации, метрологии и управление качеством товаров. М., 1999г.
21. Лифиц Н.М. Стандартизация, метрология и сертификация. М., 2002 г.
22. Кудряшов Л.С. Стандартизация, метрология и сертификация в пищевой промышленности. М., 2001г.
23. Сергеев А.Г., Крохин В.В. Метрология. М.: 2001г.
24. Козлов М.Г. Стандартизация, метрология. М.: 2001г.
25. Исматуллаев П.Р. ва бошқалар. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Тошкент, 2001 й.
26. Сифатни бошқариш назариясини ишлаб чиқишда атокли олимлар П. Л. Чебишев и А. М. Ляпунов, И. Г. Венецкий, А. М.Длин. У. А. Шухарт, Э. Деминг, А. Фейгенбаумлар катта хисса қушганлар

Иловалар.

Интернет маълумотлари.

- 26 www.Standart.ru;
27. www.usst.uz;
28. www.engilsanoat.uz;
29. www.ziyonet.uz